



«КИМ ВАТАНГА СОДИҚ БЎЛСА, МЕНДИРМАН ЎША!»

www.mv-vatanparvar.uz


@vatanparvar09@mail.ru

VATAN – MUQADDAS, UNI HIMOYA QILISH SHARAFLI BURCHDIR!

VATANPARVAR



Сайтимизга ўтиш
учун QR-кодини
сканер қилинг.



ДОИМО ХУШЁР БЎЛ, ДОИМО ШАЙ БЎЛ!



2021 йил 29 январь, №4 (2911)

III даражали сержант Олим БЕРДИМОВ суратга олган



5-бетада

АСКАРЛАР РЕКОРДЛАРНИ
ЯНГИЛАДИ

8

«ЎЗИМНИ ҲАМ
ЕНГИШИМ КЕРАК!»

9

САЛЖУҚИЙ
ШОҲЛАР ХАЗИНАСИ

● «Uzbekistan Airports» акция-дорлик жамияти бутун жаҳон аэропортларини бирлаштирган Airports Council International (ACI) ташкилотига расман аъзо бўлди.

Ўзида 670 аъзони бирлаштирган Халқаро аэропортлар кенгаши (ACI) 176 мамлакатдаги 1 979 та аэропортга хизмат кўрсатиб келмоқда.

● Давлат тест марказининг интерактив хизматлар порталида тест натижаларини кўриш бўйича қўшимча имконият яратилди.

Давлат тест маркази матбуот хизматининг маълум қилишича, эндиликда тест синовларида иштирок этган талабгорлар тест натижалари эълон қилингандан сўнг my.dtm.uz сайти орқали шахсий кабинетларига кирмаган ҳолда ҳам ўз натижаларини билиши мумкин.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.

O'ZBEKISTON



НАФТА ИЧИДА



7-бетада

ЯҚДИЛЛИК МАҲСУЛИ

12

АЛИШЕР НАВОИЙ
ЖАНГЛАРДА
ИШТИРОК ЭТГАНМИ?

14

МАНГУБЕРДИНИНГ
МАНГУ ҚУШИҒИ

Мудофаа вазирлиги тизимига оид сўнгги янгиликлар билан қуйидаги манзиллар орқали танишинг:

t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaa_press

facebook.com/UzArmiya

instagram.com/uzbekistanarmy

ЁШЛАР БИЛАН МАНЗИЛЛИ ВА ТИЗИМЛИ ИШЛАШ БЎЙИЧА ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 27 январь куни ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ёшлар бандлигини таъминлаш омилларидан бири уларни талаб этилаётган касб бўйича ихтисослаштиришдир. Йиғилишда шу пайтгача ишсиз аҳоли ва бўш иш ўринлари ўзаро уйғунликда кўриб чиқилмагани танқид қилинди.

Масалан, Тошкент шаҳрида 26 минг ёш ишсиз. Айти пайтда бу ерда 77 мингта вакант бор, шундан 45 мингтасига олий маълумот талаб этилмайди. Давлатимиз раҳбари ёшларни касбга ўқитиш орқали малака тоифасини бериб, шундай вакант ўринларга жойлаштириш мумкинлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, дипломи йўқ, лекин амалий кўникмаси бўлган ишсиз ёшларни малакани баҳолаш марказларида ўқитиб, сертификат бериш тизими жорий этилди.

Шундан келиб чиқиб, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига «Ишга марҳамат» мономарказларида, шунингдек, қатор олий таълим муассасалари ва йирик sanoat тармоқларида малакани баҳолаш марказлари ташкил этиш вазифаси қўйилди. Бу орқали жорий йилнинг ўзида 30 минг йигит-қизга малака сертификати бериб, уларнинг бандлигини таъминлаш мумкинлиги айтилди.

Тадбиркорлигини бошламоқчи бўлган ёшларнинг минитехнология ва ускуналар харид қилиши учун субсидия ажратиш, кредит олишда суғурта тўлови бўйича кўмаклашиш юзасидан топшириқлар берилди.

Бандликни таъминлашда энг катта захира-лардан бири деҳқончилик қилиш учун ер ажра-

тишдир. Лекин ўтган йили бу борада мурожаат қилган 14 минг нафар ёшдан атиги 3 мингига ер берилган, холос.

Бош вазир ўринбосарига жойларда ҳар 10 гектар экин еридан 1 гектарини ёшларга деҳқончилик учун ажратиш тартибини жорий этиш вазифаси топширилди.

Шунингдек, қудуқлар қазиб, захира ерларни ёшларга фойдаланиш учун бериш, томорқада лимончилик, паррандачилик, қуёнчилик, асаларичилик қилишлари учун кредитлар ажратиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, қобилиятини юзага чиқариши учун зарур шароитлар яратиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Мусиқа ва санъат мактаблари, маданият марказлари, музейлар қуриш ҳамда таъмирлаш орқали уларда ёшлар қамровини 30 фоизга етказиш мақсади белгиланди. Бунга жорий йилда бюджетдан 150 миллиард сўм ажратилади.

Чекка ҳудудлардаги мактабларда намунавий тўғарақлар ташкил этиш, ёшларни аждодларимизнинг бой маданий мероси билан яқиндан таништириш, улар ўртасида ички туризмни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Жорий йилда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиб, спорт билан шуғулланувчи аҳоли сонини 25 фоизга, ёшлар қамровини 20 фоизга етказиш мақсад қилинган. Болалар боғчаси ва мактабларни спорт анжомлари билан жиҳозлаш учун бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилган.

Мутасадди вазирликларга мактабларда 20 мингта спорт тўғарагини ташкил этиш, спорт федерацияларини, халқро мусобақалар ғолибларини мактабларга бириктириб, ёшларни профессионал спортга жалб қилиш юзасидан вазифалар қўйилди.

Ҳозирги ёшларнинг замонавий технологияларга қизиқиши юқори. Ўтган йили IT-паркнинг 5 та

филиали ва рақамли технологиялар ўқув марказларида 10 мингдан ортиқ ёшлар сабоқ олган.

Бу қамровни кенгайтириш мақсадида ҳар бир туманда камида биттадан мактабда IT-тўғараги очиш, яна 100 та Рақамли технологиялар ўқув маркази ташкил этиб, 20 минг йигит-қизни дастурлаш ва ахборот технологиялари соҳасида тадбиркорликка ўқитиш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда ёшларнинг ижтимоий масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунда 129 та олий ўқув юртида 500 мингдан ортиқ талаба ўқиётгани, лекин улар ётоқхона билан етарлича таъминланмагани кўрсатиб ўтилди. Мутасаддиларга талабалар уйлари кўпайтириш бўйича топшириқ берилди.

Давлатимиз раҳбари иқтидорли ёшларни кашф қилиш, уларнинг ташаббус ва интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ўзбекистон учун 100 ғоя» лойиҳасини илгари сурди. Лойиҳа доирасида шаҳар ва қишлоқлардаги ташаббускор ёшларнинг иқтисодиёт, таълим, спорт, соғлиқни сақлаш, ахборот технологиялари каби соҳалардаги ғояларини рўёбга чиқариш учун шароит яратилади.

Ёшлар ишлари агентлигининг вилоят ва туман ходимлари ойлик маошини ошириш бўйича ҳам таклиф билдирилди.

Бундан буён вилоят, шаҳар ва туман сектор раҳбарлари маҳаллий матбуот ва ижтимоий тармоқлар орқали ёшларнинг муаммо ва масалалари юзасидан қилган ишлари тўғрисида аҳолига ҳисобот бериб бориши белгиланди. Ёшлар бандлигини таъминлашда жонбозлик кўрсатган тадбиркорлар, ташкилотчи ва раҳбарлар рағбатлантирилиши таъкидланди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар ва ҳокимлар белгиланган вазифалар ижросини ташкил этиш бўйича ахборот берди.

ЎЗА

ИМТИЁЗ

КЕЛАЖАК УЧУН УЛКАН ИМКОНИАТ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирликлар ва идораларнинг хизматдаги офицерлари, контракт бўйича хизмат қилаётган сержантлар ва оддий аскарлар таркиби фарзандлари учун олий таълим муассасалари бакалавриятининг кундузги таълим йўналишларига давлат гранти асосида белгиланган умумий қабул квоталарининг беш фоизи миқдоридан давлат гранти асосидаги қўшимча қабул квоталари ажратилади.

Маъмур беш фоизли қабул квотаси ҳар йили қуйидаги нисбатда тақсимланади: Мудофаа вазирлиги – 45 фоиз, Ички ишлар вазирлиги – 10 фоиз, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги – 10 фоиз, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги – 3 фоиз, Давлат хавфсизлик хизмати – 30 фоиз, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат хавфсизлик хизмати – 2 фоиз.

Бу тавсияномалар улар берилган кундан бошлаб уч йил мобайнида ҳақиқий ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирликлар ва идораларнинг офицерлари, контракт бўйича хизмат қилаётган сержантлар ва оддий аскарлар таркибидаги ҳақиқий хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг тавсиянома олган фарзандлари тест синовлари натижаларига мувофиқ кетма-кетлик тартибидан (баллар

жиҳатидан юқоридан пастга) танлов асосида қабул қилинади (ўқишга қабул қилишдаги ўтиш баллари Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан белгиланади).

Ҳақиқий хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари алоҳида ажратилган квоталар доирасида танловда қатнашиб, етарли балл тўплаган тақдирда танланган биринчи бакалаврият таълим йўналишига тавсия этилади, акс ҳолда эса белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш жараёнида танланган бакалаврият таълим йўналишларида умумий тартибда тўплаган баллари билан танловда иштирок этади.

Ҳарбий хизматни ўташда ҳалок бўлган, шунингдек, ҳарбий хизматни ўташда ярадор бўлган, контузия, шикаст олиш натижасида ногирон бўлиб қолган ёки касалликларга дучор бўлган ҳарбий хизматчилар-

нинг фарзандлари вазирликлар ёки идораларнинг тегишли тавсияномалари асосида белгиланган қабул квоталаридан ташқари давлат гранти асосида олий таълим муассасалари бакалавриятга ўқишга танловсиз қабул қилинадилар.

Олий таълим муассасаси қабул комиссияси абитуриент ҳақидаги зарур маълумотларни Давлат тест марказининг махсус дастурига киритиб, унга асл ҳужжатларни қайтаради ва QR-код қўйилган қайд варақасини икки нусхада чоп этиб, абитуриентга беради.

Абитуриент маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, қайд варақасини ўз имзоси билан тасдиқлайди, бир нусхасини ўзида олиб қолади ва иккинчи нусхасини олий таълим муассасаси қабул комиссиясига қайтариб беради.

Абитуриентларни рўйхатдан ўтказиш олий таълим муассасаси қабул комиссиялари томонидан ҳар йили 15 июндан 15 июлгача бўлган муддатда амалга оширилади.

Аризалар онлайн тарзда ҳам қабул қилиниши мумкин.

Абитуриентларга олий таълим муассасаларининг бештагача бакалаврият таълим йўналишида танловда иштирок этиш ҳуқуқи берилади.

Тавсиянома берадиган ҳуқуқларни чекловчи ҳолатлар:

- Тавсиянома Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган хорижий олий таълим муассасалари ҳамда уларнинг филиалларига.

- Абитуриентлардан алоҳида иқтидор талаб этиладиган таълим

йўналишларига қабул тест синовларисиз, касбий (ижодий) имтиҳонлар орқали амалга ошириладиган олийгоҳларга татбиқ этилмайди.

- Олий таълимнинг айрим йўналишлари бўйича олдин касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказилади. Касбий (ижодий) имтиҳонлардан (имтиҳон босқичи ёки турига) ўтмаган абитуриентлар учун қайта касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказилмайди, улар навбатдаги имтиҳонларга қўйилмайди ҳамда ўқишга қабул қилинмайди.

- Тавсиянома имтиёздан фойдаланган ҳолда олий таълим муассасасига талабалikka қабул қилинганлиги тўғрисидаги расмий буйруқ бўлса, имтиёздан такроран фойдаланиш мумкин эмас.

- Тавсияномада белгиланган муддатлар тугагандан сўнг ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш қатъиян ман қилинади.

- Абитуриент томонидан тақдим этилган тавсияноманинг қалбакилиги аниқланса, у ҳолда абитуриент кириш имтиҳонларидан (талабалikka қабул қилинган бўлса, олий таълим муассасаси талабалари сафидан) четлаштирилади ҳамда бу ҳақда белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар қилинади.

Тавсиянома фақат олий таълимнинг бакалавриятга имтиёз беради. Иккинчи олий таълим йўналиши, магистратура, докторантуралар учун татбиқ этилмайди.

**Подполковник
Жаҳонгир ҚАЛАНДАРОВ,
Мудофаа вазирлиги
бўлим бошлиғи**

СЎЗ ҒОЛИБЛАРГА

Халқимизда «Мардлар майдонда синалади», деган ибора бор. Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар шайлиги ва малакасини ошириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида ўтказилган «Энг илғор касб устаси» кўрик-танлови Ватан ҳимоячилари учун ҳақиқий маънода мардлар майдони, чиниқиш ва маҳорат мактаби бўлди. Ёдингизда бўлса, Қуролли Кучлар ташкил этилганлигининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кўриқ-танлови билан ўтказилган байрам тадбирида кўрик-танлов ғолиблари эълон қилинган эди. Газетамизнинг мазкур сонидида ўша музаффар ўғлонлар ҳақида сўз айтишни лозим топдик.

ФИДОЙИ БЎЛИШГА ЧОРЛАЙДИ

2020 йил бутун дунё аҳли учун синовли йил бўлди. Юртдошларимиз ҳам кўп машаққатли даврни бошдан кечирди. Шундай оғир дамларда ҳарбийларимиз кўрсатган матонат, жасорат ва ғамхўрликни ҳеч бир ватандошимиз ёдидан чиқармас керак. Энг муҳими, ўтган қийин даврда жанговар-тайёргарлик сифати пасаймади, аксинча, ортди. Кучли рақобат, мурасасиз беллашув ва ҳар доимгидан ҳам шиддатли кечган «Энг илғор касб устаси» кўрик-танлови фикримизнинг яққол исботидир. Полковник Жамшид Расулов мазкур кўрик-танловда муносиб иштирок этиб, «Энг илғор ҳарбий қисм командири» номинацияси ғолиби бўлди.




– Юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлаш – шу диёрда униб-ўсган ҳар бир ўғлоннинг муқаддас бурчи, деб биламан. Юрагим тўридан жой олган бурч туйғуси, Ватанга муҳаббат ҳисси мени ҳар доим шу юрт учун мардондор ишлар қилишга ундайди. Ўтган кунларга назар ташлар эканман, кўнглимда ажиб ҳислар жўш ура бошлайди. Зеро, муборак истиқлол сабаб армия ва ҳарбий хизматнинг нуфузи ошди, ҳарбийлик шарафли касблардан бирига айланди. Бугун замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган, миллий қадриятларимиз ва аждодларимизнинг жанговар аъналарига таянган миллий армиямиз бор, унинг сафида эса юксак жисмоний тайёргарлик, интеллектуал салоҳиятга, руҳий-маънавий фазилатларга эга бўлган Ватан ҳимоячилари хизмат қиляпти. Бизга шижоат, мардлик, жасорат, юрт учун жон куйдириш аждодларимиздан мерос. Ватан биз учун ҳар нарсадан қадри. Унинг тинчлиги ва осойишталигини сақлаш учун жонимизни ҳам аямаймиз. Чунки биз юртнинг ишонган тоғи, кўрғонларимиз. Албатта, бу ишонч ҳарбий хизматчиларга куч бағишлайди. Доим фидойи бўлишга чорлайди.

МУЗАФФАР ЎҒЛОНЛАР –
МАРДИ МАЙДОНЛАР

ҒОЛИБЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Майор Исмаил Халиловни жамоада жасур ва матонатли ҳарбий хизматчи сифатида ҳурмат қилишади. У ҳар доим илғорлар сафида. Демак, ҳарбий хизматчининг «Энг илғор касб устаси» кўрик-танловида иштирок этиб, «Энг илғор батальон командири» эътирофига сазовор бўлгани ҳам бежиз эмас.



– Ҳар бир эришган ютуғимдан қувонишим мени янада кучлироқ руҳлантиради, – дея мулоҳазаларини баён этади суҳбатдошимиз. – Мен ҳар доим бирор ютуққа эришганимда, албатта, устозларимни ёдга оламан. Инсоний фазилатлари, садоқати билан меҳримни қозонган, ҳар қандай вазиятда ҳам тўғри хулоса чиқара олишни ўргатган, доим фидойи бўлишга ундаган меҳридарё устозларим олдида таъзимдаман. Бугунги муваффақиятларимда уларнинг ҳиссаси бекиёс. Бу ғалабани жамоамизга бўлган юксак эътироф сифатида қабул қилдим. Ғолибликнинг масъулияти ҳам юксак эканлигини яхши биламан. Бунга она юрт олдидаги бурчимни шараф билан ўташ орқали жавоб бераман.

БИЛИМ ВА МАҲОРАТ
ЎЗ СЎЗИНИ АЙТГАНДА

Майор Муҳаммадсоли Дўскулов номи кўпчиликлари яхши таниш бўлса керак. Зеро, Халқаро армия ўйинлари доирасида ўтказилган «Кембрия патрули» халқаро мусобақасининг фаол иштирокчиси бўлган бу йигитдаги ғайрат-шижоат, унча-мунча рақибни писанд этмайдиган мардона руҳ Ўзбекистон жамоасини доим муваффақият сари етаклашини жамоадорлар жуда яхши билади. Ғайратли ўғлон танловнинг «Энг илғор взвод командири» номинациясида ғолибликни қўлга киритди.



– Мусобақалар ичида йилдан йилга тажрибам ошяпти. Бу эса энг юксак марраларни забт этишга ёрдам бермоқда, – дейди суҳбатдошимиз. – Мусобақа қизғин ўтди. Бунга сабаб рақибларим кучли эди. Шунинг учун бор маҳоратимни ишга солиб ҳаракат қилдим. Натижа эса кутганимдек бўлди. Мен ушбу танловда 2014 йилда ҳам иштирок этганман ва «Энг илғор гуруҳ командири» номинациясида ғолиб бўлганман. Илк ютуғим улкан зафарларга йўл очди. Шундай қилиб касб сирларини мукамал эгаллашга, ўз вазифамни сидқидилдан бажаришга интилдим. Энг муҳими, интилишларим бесамар кетмади. «Кембрия патрули» мусобақасида иштирок этиш шарафига эришдим. Ҳа, бу шараф эди. Чунки бу мусобақа мамлакатимиз шаъни, обрўсини дунё миқёсида юксакларга олиб чиқиш имкониятини берувчи майдон эди.

Жамоамиз ушбу мусобақада 2017 йилда II ўринни қўлга киритган бўлса, 2018, 2019 йилларда I ўринга чиқди! Ўшанда шоҳсупада туриб кўнглимдан кечган туйғуларни сўз билан таърифлаб беролмайман... Мен Ватан ҳимоячиси, деган шарафга сазовор эканлигимдан ғурурланаман.

«МЕН, АЛБАТТА, ГЕНЕРАЛ БЎЛАМАН!»
ДЕЙДИ КАТТА ЛЕЙТЕНАНТ

– Мен, албатта, генерал бўламан! – дейди танловнинг «Энг илғор гуруҳ командири» номинацияси ғолиби катта лейтенант Жонибек Рўзиев. – Ғолиблик дипломини катта саҳнада қабул қилиб олар эканман, мулофаа вазири ва тадбир қатнашчиларига шундай ваъда бердим. Гулдурас қарсақлар, олқишлардан янаям руҳландим. Ҳа, агар инсон чин дилдан истаса, интилса ва энг асосийси, касбини севса, олдида қўйган ҳалма мақсадига эришади. Буни ўз ҳаётим мисолида кўряпман. Тўғри, олдинда забт этилиши лозим бўлган қанча-қанча довлар бор. Лекин мен бундан чўчиётганим йўқ. Чунки қийинчилик инсонни тоблайти ва шунинг баробарида уни юксакликка олиб чиқади. Мақсадим эса фақат илғорлар сафида бўлиш.



КУТИЛГАН ВА КУТИЛМАГАН ВОҚЕА

Кичик сержант Баҳодир Боқижоновни истиқболи порлоқ ҳарбий хизматчилардан бири, десак, асло муболаға бўлмайди. У кўп йиллардан буён Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилади. Бугун катта жамоада унинг ҳам ўзига яраша ўрни бор.




Зеро, кичик командирларга бежиз армиямизнинг таянчи, дея юксак баҳо берилмайди. Айнан улар офицерларнинг яқин кўмакчилари саналади. Шарафли касбга бўлган муҳаббати сабаб ҳаётини шу соҳага билан боғлаган ўғлон ўтган йилни улкан ютуқ билан якунлади: «Энг илғор сержант» номинациясида ғолибликка эришди.

– Бу мен учун кутилган ва кутилмаган воқеа бўлди, – дейди у ҳаяжонини яширмай. – Кутганим – мусобақага астойдил тайёргарлик кўрганман. Албатта, беллашувдан муддао зафар қозонишдир. Кутилмагани эса рақибларим ҳам кучли билимга эга ва маҳоратли эди. Номим ғолиблар сафида эълон қилинганда қувончдан бошим кўкка етди. Ҳар доим илғорлар сафида бўлишга интилиб келганман. Мазкур нуфузли танловда қатнашишнинг ўзиёқ кишига ифтихор бахш этади. Аслида ушбу кўрик-танлов устозларимнинг меҳнатини юзага чиқарди. Фурсатдан фойдаланиб, фидойи устозларимга, аҳил жамоадорларимга ўз миннатдорчилигимни изҳор қиламан.

Майор Гулнора ҲОЖИМУРОВА,
«Vatanparvar»

Марказий ҳарбий округга қарашли Каттақўрғон гарнизонидаги ҳарбий қисмларнинг бирида қўшиннинг жанговар шайлиги кўздан кечирилди.



Муаллиф суратга олган

ДОИМО ХУШЁР БЎЛ, ШАЙ БЎЛ!




Дастлаб ҳарбий қисм юқори жанговар шайликка келтирилди, шахсий таркиб ўзларига бириктирилган жойлар бўйича кучайтирилган қўриқловни ташкил қилиб, вазиятни қаттиқ назоратга олди.

Таъкидлаш жоизки, бўлинмаларда ўтказиб келинаётган бу каби текширувлар ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлигига ҳар томонлама баҳо бериш имкониятини яратмоқда. Уларнинг кейинги хизмат фаолияти юзасидан эътибор бериши муҳим бўлган жиҳатлар кўрсатиб ўтилаётир.

Саф кўриги учун жам бўлган контракт бўйича ҳарбий хизматчиларнинг ҳужжатлари, сафар ҳалтаси, қурол-аслаҳа ва анжомлари кўздан кечирилди. Юрт ўғлонларининг жисмоний тайёргарлиги ҳам синовдан ўтказилди.

Шундан сўнг шахсий таркиб жанговар марш юриш орқали «Каттақўрғон» полигонига етиб бориб, у ерда амалий машғулотларга киришиб кетди.



– Дала-ўқув майдонига етиб келиб, аввал жойлашув ва ниқоблаш ишларини амалга оширдик, – дейди майор Иззат Раззоқов. – Бу ҳар бир жанг, айти дамда эса ўқув машғулотининг муваффақияти демакдир. Чунки қўшин қанчалик қулай ва муҳим стратегик жойни эгаллаб, моҳирона ниқобланган ҳолда ўзини душман кўзидан пана қилолса, аниқ ва



пухта режа асосида ҳаракат олиб борса, ғалаба, албатта, уники бўлади.

Бир сўз билан айтганда, бу каби ўқув машғулотлари юрт посбонларининг жанговар тайёргарлигини ҳар томонлама ошириш, командирлик бошқаруви ва кутилмаган вазиятларда ностандарт қарорлар қабул қилиш кўникмасини шакллантиришга хизмат қилади.

**III даражали сержант
Олим БЕРДИЕВ, «Vatanparvar»**



«МЕН ҒОЛИБ!»

Аскарлик ҳар йигит ҳаётида унутилмас из қолдиради. Ана шу муддатда бутун бир вазирлик ҳарбий қисмлари миқёсида энг илғор деб топилишинг икки карра кўпроқ ёдингга муҳрланади. Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида «Энг илғор мутахассис» танловининг якуний босқич ғолибларини тақдирлаш маросимида қатнаша туриб, беихтиёр хаёлдан шу каби ўйлар ўтди.

Тантанали тадбирда сўзга чиққанлар Мудофаа вазирлигининг аралаш таркибдаги ҳарбий қисмлари муддатли ҳарбий хизматчилари ўртасида уч йилдан буён аънавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур танловнинг нуфузи йилдан йилга ортиб бораётганини таъкидлашди.

ЧИРЧИҚДА ВА «САЗАГАН»ДА

Уч кун давом этган мусобақалар ўз ҳарбий қисмида ғолиб бўлган қатор мутахассисларни синовдан ўтказди. Хусусан, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ва «Чирчиқ» умумқўшин полигонидан танлов иштирокчилари «Энг илғор алоқа мутахассиси», «Энг илғор тўп ҳисоби», «Энг илғор миномёт ҳисоби», «Энг илғор орудия ҳисоби», «Энг илғор нишонга олувчи (танк, БТР, БМП нишонга олувчилари)», «Энг илғор механик-ҳайдовчи (танк, БТР, БМП механик-ҳайдовчилари)», «Энг илғор мутахассис сапёр», «Энг илғор муҳандислик разведка дозори», «Энг илғор КЗРК мутахассиси», «Энг илғор ЗУ-23-2 ҳисоби», «Энг илғор радиацион, кимёвий, биологик муҳофаза мутахассиси», «Энг илғор радиацион, кимёвий, биологик муҳофаза ҳисоби» каби йўналишларда ўзаро беллашди.

Марказий ҳарбий округнинг «Сазаган» дала-ўқув майдонида эса «Энг илғор мерган», «Энг илғор ўқчи», «Энг илғор пулемётчи ПКМ», «Энг илғор пулемётчи РПК», «Энг илғор гранатомётчи», «Энг илғор АГС ҳисоби», «Энг илғор СПГ-9 ҳисоби» номинациялари бўйича баҳслар ўтказилди.

Танлов назарий ва амалий шартларни ўз ичига олди. Амалий қисмда аскарлар отиш, жисмоний, махсус ва техник тайёргарлик ҳамда жанговар машиналарни ҳайдаш, оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш бўйича меъёрларини бажарди.

ЎЗИГА ХОС РЕКОРДЛАР

Назарий синовларда иштирокчилар тактик, отиш, маънавий-маърифий тайёргарлик ва умумҳарбий низомлар асосида тайёрланган билет саволларига 30 дақиқа ичида ёзма равишда жавоб берди. Вазифани белгиланган вақтдан 10 дақиқа аввалроқ якунлаган ҳарбий хизматчилар танлов низомига кўра, қўшимча 5 баллга эга бўлди. Ушбу рекорд муваффақиятига Шарқий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмдан оддий аскар Оғабек Сапаев муаллифлик қилди.

Қувонарлиси, бу галги танловда яна қатор рекорд натижалар қайд этилди ва аввалги рекордлар янгиланди. Жумладан, жисмоний тайёргарлик бўйича меъёрларни аъло даражада бажариб, қўшимча бонус балларга эга бўлган юрт посбонлари кўпчилигининг ҳайратига сабабчи бўлди. Хусусан, 100 метрга югуриш меъёрини 11,9 сонияда бажарган механик-ҳайдовчи оддий аскар Мурод Ботиров (ЖФМҲО) ўз натижаси билан ўтган йилги рекордни (12,8 дақиқа) янгилади. Турникда 36 марта тортилган оддий аскар Облоберди Ёқубжонов эса Шимоли-ғарбий ҳарбий

округга қарашли ҳарбий қисмларнинг бирида радиацион, кимёвий, биологик муҳофаза мутахассиси сифатида хизмат қилади. Шу вақтга қадар мазкур танловдаги энг юқори натижа 29 та эди.

Уч километрга югуриш бўйича финиш чизиғидан илгари 11 дақиқаю 13 сонияда ўтган ғолибдан бу йил бир эмас, бир нечта аскарлар ўзиб кетди. Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисм механик-ҳайдовчиси оддий аскар Шаҳзодбек Зуфаров маррага 11 дақиқаю 6 сонияда етиб келди. Худди шу натижани оддий аскар Тоҳир Боймирозев (ШҲО) ҳам қайд этди. Отиш тайёргарлиги баҳсларида оддий аскар Суннатилла Қурбонов (ЖФМҲО) назорат ва ўқув отиш машқларидан жами 2 670 балл йиғиб, рекорд ўрнатди.

Шу вақтга қадар танловнинг артиллерия ҳисоби йўналишида рекордчилар кашф этилмаган эди. Бу гал Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмнинг миномёт ҳисоби йўналиши бўйича иштирокчи йигитлари артиллерия йўлагидан барча топшириқларни бор-йўғи 13 дақиқада бажариб ўтди ва ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди. «Энг илғор орудия ҳисоби» йўналиши бўйича Шарқий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисм жамоаси 122 миллиметрли Б-30 гаубициясидан белгиланган нишонни дастлабки уриниш – илк отишдаёқ яқсон қилди. Ушбу натижа учун атиги 16 дақиқаю 2 сония кифоя қилди.



НИМАЛАРГА ЭРИШИЛДИ?

Мудофаа вазирлиги Жанговар тайёргарлик бош бошқармаси катта инспектори подполковник Ибрат Машариповнинг таъкидлашича, ушбу беллашувни ўтказиш орқали муддатли ҳарбий хизматчилар орасидан 23 та мутахассислик бўйича захира кадрларни саралашга эришилди. Қолаверса, аскарий бўлинмаларнинг жанговар тайёргарлигини яна бир поғона кўтаришга имконият яратилди.

– «Энг илғор миномёт ҳисоби» йўналишида ғалаба қозонишимизга кўзимиз етган бўлса-да, рекорд ўрнатамиз деб ўйламаган эдик, – дейди оддий аскар Султонбек Сафаров. – Бу олти ойдан буён тинимсиз тайёргарлик кўрганимиз, командир ва сержантларимизнинг бевосита кўмаги самарасидир. Ушбу муваффақиятим келгусида Қуролли Кучлар академиясига ўқишга кириб,



Муаллиф суратга олган

АСКАРЛАР РЕКОРДЛАРНИ ЯНГИЛАЙДИ

етук офицер бўлишимда муҳим замин ҳозирлайди.

ҒАЛАБА КИМЛАРГА НАСИБ ЭТДИ?

Мусобақада аскарлар ўз мутахассислигига кўра, жанговар машиналарни 4-6 километрга ҳайдаб, танк, БТР ва БМПдан синов машқларини бажарди. Унда Мухиддин Сатимбоев (ЖФМҲО Бухоро гарнизони) «Энг илғор танк нишонга олувчиси», Улуғбек Жовлиев (ЖФМҲО Бухоро

ро гарнизони) «Энг илғор мутахассис сапёр», яна шу округ аскарлари Фирдавс Нарзуллаев (Хайробод гарнизони) «Энг илғор КЗРК мутахассиси» деб топилди.

Оддий аскар Маратбек Жунусов (ЖФМҲО Бухоро гарнизони) «Энг илғор алоқа мутахассиси» мақомига эришган бўлса, унинг жамоадолари ушбу йўналишда «Энг илғор экипаж» сифатида эътироф этилди. Шарқий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисм жамоаси «Энг илғор орудия ҳисоби»,

гарнизони) «Энг илғор БТР нишонга олувчиси», Жавоҳир Ражаббоев (ЖФМҲО Бухоро гарнизони) «Энг илғор БМП нишонга олувчиси» номинацияларида I ўринни эгаллади. Оддий аскар Илҳомжон Омонов (ЖФМҲО Хайробод гарнизони) «Энг илғор танк механик-ҳайдовчиси», Жўрабек Мусаев (ШҲО) «Энг илғор БТР механик-ҳайдовчиси», Умрбек Тўрақулов (ЖФМҲО Бухоро гарнизони) «Энг илғор БМП механик-ҳайдовчиси» номинацияларининг мутлақ ғолиби бўлди.

«Энг илғор муҳандислик разведка дозори» йўналишида Шарқий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисм аскарларига тенг келадигани топилмади. «Энг илғор ЗУ-23-2 ҳисоби» номинациясида Шимоли-ғарбий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисм мутахассислари энг кучли эканини яна бир карра исботлади. Оддий аскар Шамшод Шуқуруллаев (ЖФМҲО Бухоро

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округнинг Хайробод гарнизонида жойлашган ҳарбий қисм аскарлари «Энг илғор миномёт ҳисоби» дея эътироф этилди. «Энг илғор радиацион, кимёвий, биологик муҳофаза ҳисоби» номинациясида Шарқий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисм мутахассислари ғолибликка сазовор бўлди.

Якуний натижаларга кўра, умумжамоа ҳисобида энг кўп юқори ўринларни Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округнинг Бухоро гарнизонида жойлашган ҳарбий қисм аскарлари қўлга киритди. Шунингдек, Шарқий ҳарбий округ мутахассисларига II ўрин насиб этган бўлса, III ўринни Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округнинг Хайробод гарнизони вакиллари эгаллади.

Контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Дилшод РЎЗИҚУЛОВ, «Vatanparvar»

УМРГА ТАТИГУЛИК СИНОВ

Кимлар учундир бир йилга яқин вақт «ҳаш-паш» дегунча ўтиб, муддатли ҳарбий хизматчиларнинг билимларини саралайдиган фурсат ҳам келди. Аммо бу «тезкор» муддат аскарлар учун бир умрга татигулик сабоқ берганига шубҳа йўқ.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўташ давомида жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик бўйича юксак натижаларга эришган, зарур билим-савияга эга, намунали ҳарбий интизомини намоён этган, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовларида иштирок этиб, юқори балл тўплаган энг муносиб йигитларга ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан олий таълим муассасаларига ўқишга киришда қўшимча имтиёз тақдим этадиган тавсиянома берилади. Шу кунларда Мудофаа вазирлиги қўшинларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ўғлонлар олий таълим муассасаларига ўқишга киришда қўшимча балл берадиган имтиёзли тавсияномани қўлга киритиш учун тест синовларини топширишмоқда. Тошкент давлат аграр университетиде бўлиб ўтган тест синовларида Тошкент ҳарбий округи ҳудудидаги ҳарбий қисм ва муассасаларда хизмат бурчи-

ни ўтаётган Ватан ҳимоясидаги йигитлар ўзларининг эгаллаган билим ва кўникмаларини намоён қилдилар.

Ўғлонлар жанговар, маънавий-маърифий тайёргарлик, математика, физика ва мантиқдан тест топширдилар. Имтиҳон аввалида уларга Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ходимлари йўриқнома ўтказишди. Назоратчилар

гувоҳлигида тест топшириқлари китоблари муҳри очилиб, тарқатилди. Тест синовларини бажариш ва жавобларини белгилаш учун 3 соат вақт ажратилди.

– Аскарларнинг билими 100 та савол асосида баҳоланмоқда. Имтиҳон жараёнида шаффофликни таъминлаш мақсадида кузатув камералари ўрнатилган. Тест жараёнидан кимдир норози бўл-

са, жавоби эълон қилингандан кейин икки кун ичида мурожаат қилиши мумкин. Агар ўзларидан хатолик ўтиб, белгиланган тартиб-қоидаларни бузса, тестдан четлаштирилади, – дейди Давлат тест маркази ходими Содиқжон Талипов. – Таъкидлаш керакки, Қуролли Кучлар сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга ҳарбий қисмлар қўмондонлиги томонидан олий таълим муассасаларига кириш учун берилган тавсияномалар улар берилган санадан бошлаб уч йил мобайнида амал қилади.

Ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тегишли тавсияномаларига эга бўлган фуқаролар республиканинг олий ҳарбий таълим муассасаларидаги тегишли таълим йўналишларига ўқишга киришда тест синовлари натижаларига кўра тўплаган балларининг 50 фоизи миқдориде қўшимча балл шаклидаги имтиёзга эга бўладилар. Бу каби тест синовлари юртимизнинг барча ҳудудларда ўтказилмоқда.

А. ЎКТАМҚУЛОВ



ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ



ЯҚДИЛЛИК МАҲСУЛИ

Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар шай, жисмонан бақувват бўлишларига кўпчилик ҳавас қилади. Айниқса, аксарият ёш йигитлар уларга тақлидан спорт билан шуғулланишни ёқтиришади. Қўқон шаҳрида истиқомат қилаётган ёшлар Ватан ҳимоячиларининг ҳаётига астойдил қизиққан экан чоғи шаҳар ҳудудида жойлашган ҳарбий қисм базасида янги ўқув ва спорт мажмуаси ўз фаолиятини бошлади.

Тантанали очилиш маросимида Мудофаа вазирлиги масъул офицерлари, Фарғона вилояти ва Қўқон шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари, бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ва ўқувчилар, уларнинг ота-оналари жам бўлди. Сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, келажак авлоднинг таълим-тарбияси, ҳаётда ўз ўрнига эга бўлишлари учун барча имкониятларни яратиб бериш Ватанимизнинг эртанги тараққиётини белгилаб беради.



Чиройли ўғитларнинг амалий ифодаси сифатида маҳаллалардаги ўғил-қизларга спорт анжомлари ва китоблар жамланмаси совға қилинди.



яратилган. Бир кунда 300 нафарга яқин ўғил-қизнинг шуғулланиш имконияти мавжуд спорт заллари фаолияти йўлга қўйилганидан барча бирдек мамнун бўл-



Янги иш бошлаган спорт мажмуасида ёшларнинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етишлари учун замонавий шароитлар



ди. Зеро, бугун барча масъул идоралар, раҳбарлар муштарак мақсад йўлида бирлашган. Бу ҳам бўлса келажакда мамлакатимиз тараққиётини белгиловчи ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантиришдир.

Йиғилган ўғил-қизлар ва ота-оналарнинг кўзларида порлаётган қувончни кўриб, севи-насиб. Улар мажмуа таркибидаги кураш, бокс, қиличбозлик, бадий гимнастика каби спорт хоналари билан танишар экан, келажакда Ўзбекистон ва халқаро мусобақалар чемпиони бўлишни дилларига тугишди. Ушбу мажмуа халқ ва армия жипслигидан бир нишона берса, яқдиллик маҳсули тез орада ўзининг мевасини кўрсатишига шубҳа йўқ.

Катта лейтенант Азиз НОРҚУЛОВ,
«Vatanparvar»



...Қирқ икки нафар спортчи ва қирқ икки нафар мураббий. Қирқ икки хил тактика. Қирқ икки мингдан ортиқ ўй. Сен шуларнинг барини енгишинг керак, Жавоҳир! Ие, нега ўзимни ҳам қўшяпман? Мусобақада қатнашаётган спортчилар мен билан қирқ иккита эмасми? Мендан ташқари қирқ битта қолади-да. Йўқ! Ғалаба қозонишим учун ўзимни ҳам енгишим керак! Бу шарт.

Тўхта, тўхта, мен ҳар битта иштирокчи билан бирма-бир жанг қилиб чиқмайман-ку! Ғалаба қозонган тақдиримда ҳам қанақасига ҳаммани енган бўлман? Йўқ-йўқ, ўзи шунақа бўлади, ахир бу спорт. Кучлилар сараланади-да, сўнг финалда баҳслашади. Ҳал қилувчи жангларда кимнинг қўли баланд келса, ўша мутлақ ғолиб саналади. Тамом-вассалом! Лекин... Оббо, лекин-пекини йўқ, бошим ачиб кетди. Финал остонасида турибсан, Жавоҳир. Бошқа ўйлайдиган нарсанг йўқми? Ҳозир жанг қиладиган рақибингни ер тишлатсанг бўлди, тўғри финалга йўл оласан. Қани, бўшашма!

– Яхши, яхши, химояни унутма, Жавоҳир! Марказда каттиқроқ тур! – мураббийим Павел Хандан бошқа ҳеч кимнинг гапи қулоғимга кирмайди. У тинмай кўрсатма бериб турибди.

Мана, икки раунд ортда қолди. Таблодаги 12:7 ҳисоби менинг фойдамга. Охирги раундда ҳам ўзимни кўрсатсам, ҳеч бўлмаса мана шу ҳисобни «ушлаб» турсам ҳам ғалабани илиб кетаман. Ишла, Жавоҳир, ишла!

Химоя жангини олиб боряпман-у (бунда рақиб зарбаларига чап бериш ва ўрни келганида қарши зарба бериш ҳамда майдондан чиқиб кетмаслигим керак), жанг тугашига қанча вақт қолганини кўрсатиб турган лавҳа кўзим тушиб кетди: яна 10 сония. Рақибим ҳам анойи эмас экан, бекорга шу ергача етиб келмаганда. Ҳисобни ҳам 12:11 га етказиб олди. Ҳисоб, вақт, мураббийим (энди унинг бирорта кўрсатмаси қулоғимга кирмай қолганди); буларнинг бари «шип-шип» этиб кўз олдимдан ўтар, ҳолат ва манзара мени драматик фильмнинг бош қаҳрамонига айлантириб қўйган эди. Агар бу кино бўлса, агар мен бош қаҳрамон бўлсам, хавотирга асло ўрин йўқ: албатта, ғалаба қозонаман. Йўқ, афсуски, бу кино эмас, ҳаёт экан... Вақтни кўрсатиб турган лавҳа охирги марта кўзим тушганида

«ЎЗИМНИ ҲАМ ЕНГИШИМ КЕРАК!»

раунд тугашига бор-йўғи 4 сония қолган эди. Шу пайт бош қисмидан яхшигина зарбани ўтказиб юбордим ва... ерга йиқилдим. Энди мен учун вақтинг аҳамияти йўқ эди...

Одатда бундай батафсил баёнлар қаҳрамоннинг оламшумул ва кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ғалабаларидан сўнг битилади (Ўшандай ғалаба ҳақида ҳам сўз юритамиз. Фақат бироз кейинроқ. Сабаби куйироқда баён қилмоқчи бўлган музаффарият ҳақида бундан беш йил аввал

эшитган бобоси истеъфодаги полковник Амирхон Алибаев уни чолғучилик тўғрагига беради. Зора, санъатга меҳр қўйиб, табиатидаги бу ғайриоддий истак булутдек тарқаб кетса. Меҳрибон ва ғамхўр бобо неварасини шу тариқа санъат оламига йўналтиради. Аммо болакай хатбошида айтганимиздек, спортга интилаверади-интилаверади. Шу билан бирга санъат ҳам ташлаб қўйилгани йўқ. Жавоҳир ҳозирда



Аммо Жавоҳир Обиджонов ёшлигидан хатолардан тўғри хулоса чиқаришга, ғалабанинг соясида қанчадан-қанча мағлубиятлар мағлуб бўлиб ётишига, агар спортчи ўз устида тинимсиз ишламаса, чалажон мағлубиятларга қайта жон кириши мумкинлигига ўргатилди.

газетамизда мақола эълон қилинган эди. Бу гаплар ўтган вақт ичидаги ҳодиса ва тафсилотлар ҳақида). Улар мағлуб бўлганида эса шунчаки «имкониятни бой бериб қўйди» ёки бўлмаса «бу сафар омад ундан юз ўгирди» билан вазиятдан чиқиб кетилади. Аммо Жавоҳир Обиджонов ёшлигидан хатолардан тўғри хулоса чиқаришга, ғалабанинг соясида қанчадан-қанча мағлубиятлар мағлуб бўлиб ётишига, агар спортчи ўз устида тинимсиз ишламаса, чалажон мағлубиятларга қайта жон кириши мумкинлигига ўргатилди.

У беш ёшидан бери спортнинг таэквондо WTF тури билан шуғулланиб келади. Саккиз ёшга кирар-кирмас «қора белбоғ» соҳибига айланганди. Ҳар бир спортчининг бу оламга кириб келиш тарихи бўлгани каби Жавоҳирда ҳам қизиқ тарих бор. «Кимнидир ургим келяпти...» Айнан мана шу гапни Жавоҳирдан

аккордеон ва гитарада моҳирона куйлар чалади.

Жавоҳир Обиджонов бугунги кунда Ўзбекистон таэквондо WTF ассоциацияси ва Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази аъзоси. У 2018 йили бўлиб ўтган республика мусобақасида эришган муваффақиятидан сўнг мазкур сафга қўшилган эди. Унгача ҳам қаҳрамонимизнинг мақтаса мақтагулик, фахрланса фахрлангулик ютуқлари бисёр. Жавоҳир 2017 йили спортнинг таэквондо WTF йўналиши бўйича пойтахтимизда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида иккинчи, 2018 йили Қозоғистондаги Остона баҳсларида фахрли учинчи ўринларни қўлга киритиб, Ватанимиз байроғини кўкларга кўтарган эди.

Сўнги сонияларда финал масаласини ҳал қилолмай доғда қолган аламли баҳс эса 2019 йилги республика мусобақаси эди. Ўша воқеадан қаттиқ таъсирланган

Жавоҳир ўз устида тинимсиз ишлади, машаққатли йўлни яна бир бор босиб ўтди. Орадан бир йил ўтиб, 2020 йилнинг декабрь ойида 2004 – 2006 йилда туғилган ўсмирлар ўртасида яна республика биринчилиги бўлди. Қаҳрамонимиз унда -59 кг вазн тоифасида майдонга тушиб, мутлақ ғолибликни қўлга киритди. Ана шунақа, мағлубият фақат бошни ҳам қиладиган жиҳат эмас, у шахснинг ўз компосини яна бир бор тўғрилаб олиши учун имконият демакдир. Буни Жавоҳирнинг фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

У ҳозирда Яшнобод туманидаги 307-ихтисослаштирилган мактабнинг битирувчи синф ўқувчиси. Айнан мана шу ғалаба унга республикаимизнинг исталган олий ўқув юртига имтиҳонсиз қабул қилиниш имкониятини тақдим этди. Жавоҳирнинг онаси Умида Алибаева Қуролли Кучлар академиясида тингловчиларга чет тилидан сабоқ бериб келади. Бу ерга кўп келиб турадиган Жавоҳир ҳарбийликка меҳр қўйган.

...2016 йил, октябрь. Венгрия пойтахти Будапештда спортнинг таэквондо ITF йўналиши бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон кубоги баҳслари бўлиб ўтади. Унда жаҳоннинг олтмишдан ортиқ давлатидан қарийб икки мингга яқин ёш спортчи иштирок этган эди. Ўша нуфузли мусобақада юртимиз шарафини муносиб химоя қилиш 12 ёшли Жавоҳир Обиджоновга ишониб топширилади. Яқунда вакилимиз олтин медални қўлга киритиб, жаҳон чемпиониغا айланган эди.

...Қарийб икки минг нафар спортчи ва икки минг нафар мураббий. Икки минг хил тактика. Икки миллиондан ортиқ ўй. Сен шуларнинг барини енгишинг керак, Жавоҳир!..

Лейтенант
Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
«Vatanparvar»

КЕЛИНГ, КИТОБ ЎҚИЙМИЗ

У ўттиз йил салжуқий шоҳларга вазирлик қилди. Асл исми Абу Али Ҳасан бўлиб, давлат бошқарувидаги оқиллиги, адолатлилиги билан Низомулмулк номи билан шухрат қозонди. «Низомулмулк» – мулкнинг низоми, тартиби маъносини англатади.

Низомулмулк салжуқийлар шоҳи Алпарслон (1063 – 1072 йиллар) саройида дабирликдан (сарой котиби, мунший) вазирликка кўтарилган. Алпарслон вафотидан кейин унинг ўғли ўн етти ёшли Маликшоҳ саройида вазирлик қилиб, унинг давлатини бошқаришда мадад беради. Маликшоҳ ҳам уни ўз ҳомийси отабек деб атаган.

Ўша даврларда халифа пойтахти Бағдод ҳам Маликшоҳ қўлида бўлган ва уни бевосита вазири Низомулмулк бошқарган.

Маликшоҳ Салжуқий ўз ҳукмронлиги даврида саройнинг олим ва фозилларига давлатни бошқариш қоидалари, тартиб ва усуллари ҳақида бир рисола битиб, унда ўтган шоҳлар ҳаётидан ибратли тарихий мисоллар келтиришни буюради. Бу ўзига хос ижодий беллашувда бир қатор ўз даврининг таниқли олимлари қаторида Низомулмулк ҳам иштирок этган.

Маликшоҳга айнан унинг асари манзур бўлди. 1091 йили ёзилган 39 бобдан иборат бу асарнинг номи «Сиёсатнома» ёки «Сияр ул-мулк» («Подшоҳлар турмуши») эди. Айнан бу асар Низомулмулк номини оламга танитди. Унинг ўзи шундай ёзган эди: «Битганимиз «Сияр ул-мулк» китоби шудир. Олам подшоҳи, Аллоҳ унинг давлатини узайтирсин, менга шу маънода бир китоб ёзгин, деб буюрган эди, бу фармонга биноан мен ўттиз тўққиз фаслдан иборат асар ёзиб, мажлиси олийга олиб кирдим, маъқул тушди. Лекин қисқа бўлгани учун фароғат пайтларида керакли бобларига яна фасллар ва сўзлар қўшиб, эркин ва осон сўзлар билан шарҳ бердим. Китобни тўрт юзу саксон бешинчи йили Бағдод сари кетаётган вақтимда хос китобларни кўчирувчи хаттот Муҳаммад Носих Мағрибийга бериб, уни чиройли хатда кўчиришни буюрдим. Агар банда тасодифан қайтиб келмасам, бу дафтари шоҳи олам олдида олиб киришини истадим, токи у китобни ўқиб, муҳлис банданинг эътиқоди ва садоқатидан баҳраманд бўлсин, сўзларимга қулоқ солсин.

...Ким бу асарни ўқиб, ундагидек иш тутса, олам подшоҳидир, ким буни қилмаса, билгинки, у Аллоҳ даргоҳидан узокдир».

Тасодифан қайтиб келмасам... Унинг хавотири бежиз эмас эди. 1092 йили 14 октябрда Низомулмулк ёлланган қотил тиғидан ўлдирилди. Айнан хаттот Муҳаммад Мағрибийнинг шижоати, садоқати билан бу асар бизгача етиб келди.

Мана, қарийб ўн асрки, бу асарга қизиқиш ҳеч сусайган эмас.

Ҳа, ҳа, топдингиз, бугун сизга ана шу машҳур ва бебаҳо асарни тавсия қиламиз. Салжуқий шоҳларнинг бебаҳо хазинаси бўлган бу асарни бугун сизу биз заҳматкаш илм аҳллари – Шодмон Воҳид, Афтондил Эркиновнинг сазъ-ҳаракатлари билан ўз она тилимизда ўқиш имконига эгамиз. Мазкур китобнинг иккинчи саҳифасида у тарихчилар, сиёсатчи ва сиё-

сатшунослар, файласуфлар ва бу соҳага қизиққан китобхонлар учун мўлжаллангани ёзилган. Бу олим одамларнинг фикри, улар билан баҳслашиш нодонлик бўлади. Шундай бўлса-да ўз фикримни ҳам билдиргим келди. Дарҳақиқат, «Сиё-

САЛЖУҚИЙ ШОҲЛАР ХАЗИНАСИ

сатнома»ни барча бирдек қизиқиб ўқишини тасаввур қилиб бўлмайди. Бироқ ўқиш ҳам фойдадан холи эмас. Чунки сиз билан бизнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқимиз бор. Бу ҳуқуқ бизда Ватан тақдирига дахлдорлик ҳиссини сайқаллайди. Ушбу асар давлат бошқарувининг асоси – АДОЛАТ эканини кўрсатиб бергани билан қимматлидир.

«Сиёсатнома»да ибратли ҳикоятлар бисёр. Айниқса, халифа Муътасим даврида (милодий 833 – 842 йиллар) бемаврид чақрилган азон нимани англатиши ҳақида ҳикоят борки, уни, албатта, ўқишингиз керак. Тарғиб қилинаётган асардан айрим парчаларни эътиборингизга ҳавола этиб, унинг мазмун-моҳиятидан сиз, ўқувчиларни қисман баҳраманд этардик. Бу қимматли асардан келтирилган айрим парчалар сиз учун тушунарсиз бўлиб қолишининг олдини олган ҳолда айрим фаслларни тўлиғича беришга қарор қилдик.

«Сиёсатнома» асарини таърифлаш билан унинг қимматини ўқувчига англатиш мушкул. Фақат бир нарсани – қарийб ўн асрки, унга бўлган қизиқишнинг сусаймаганлигини таъкидлаш лозим. Асар бугунги кунда ҳам сиёсатчилар учун энг яхши қўлланма дея баҳоланади.

ЙИГИРМАНЧИ ФАСЛ. МУРАССАЪ ҚУРОЛЛАРИНИ ЯШАШ ВА УЛАРНИ ЗЙНАТЛАШ ҲАҚИДА

Ҳамиша йигирма дона мурассаъ (қимматбаҳо зар-зевар ва тошу жавоҳирлар билан безатилган) ва оддий шахсий қуроллар ясашиб, хазинада сақланиши лозим. Бирор мамлакатдан элчилар ташриф буюрганда хизматкорлардан йигирма

киши ҳарбий кийимларда шу қуроллар билан тахт атрофида саф тортиб турадилар. Алҳамдулиллоҳ, бу мулкнинг кучи осмонга етиб, бундай қийинчиликлардан озод бўлса ҳам, мулк тартиби ва подшоҳликнинг зийнати ҳамма андазасига ва қудрат даражасига муносиб бўлиши зарур...

ЙИГИРМА УЧИНЧИ ФАСЛ. ЛАШКАР ИШЛАРИНИНГ АНИҚЛАНИШИ ҲАҚИДА

Лашкар ҳол-аҳволини тўғри аниқлаш керак ва иқтаъли кишиларнинг қўлларида иқтаъ (ер, мулк) мутлақ ва муқаррар бўлиши

шарт. Иқтаъ тегишли бўлмаган сарбозлар ҳақларини ҳам кўзда тутиш лозим. Агарда уларнинг ҳақлари аниқланган бўлса, ҳамма лашкар ҳақини ўз вақтида бериш керак. Аммо подшоҳ ижозатисиз хазинадан олиб бериш ман этилади. Яхшиси, подшоҳ ўз қўли билан лашкар аҳлига ҳақ берсин. Шунда уларнинг меҳрлари ва садоқатлари қалбларида мустаҳкам бўлади. Хизмат пайтида, уруш давомида улар саботли бўладилар. Эски замон подшоҳларида шундай қоида бўлган: лашкар аҳлига иқтаъ бермас эканлар. Ҳар бир киши ўз вазифасига яраша йилга тўрт марта хазинадан нақд пул оларкан. Улар доимо таъминланган ва камчиликсиз бўлган. Агарда бирор муҳим иш чиқиб қолса, тезлик билан икки минг отлик ҳозир қилиниб, шу зарур иш бажарилган. Омиллар тезликда хирожларни йиғиб, хазинага топширар эканлар. Лашкар аскарлари учун хазинадан ҳар уч ойда бир мартаба маош берилган. Бистагоний деб аталган бу русум ва тартиб маҳмудийлар хонадониди ҳалигача мавжуд...»

Шу ўринда бистагоний маош оладиган аскарнинг талончилиги билан боғлиқ бир парчани келтиришни лозим топдик.

Йигирма саккизинчи фаслдан ўқиймиз: «Ҳар бир аскар аҳоли нарсаларини тортиб олмай, пулини тўлаб сотиб олсин, – деб эълон қилди. – Тортиб олган кишига жазо бераман, – деди». Бир куни Алптегин (Маҳмуд Ҳазнавий сулоласининг асосчиси) бир қули эгари қошига бир қоп сомон ва бир товукни боғлаб қўйганини кўриб,

буюрди:

– Бу қулни менинг олдимга олиб келинглар!

Буйруқ бажарилди.

Алптегин ундан сўради:

– Бу сомон ва товукни қаердан олдинг?

– Бир қишлоқи кишидан тортиб олдим, – деди қул.

– Ҳар ой бистагоний маош оласанми?

– Оламан.

– Унда нега пулини бериб олмадинг, мен халқдан бирор нарсани тортиб олманглар, деб сизларга пул бераман-ку!

У қулни бир қоп сомони билан дарҳол дорга осишни буюрди. Уч кун жар солиб, эълон эттирдик, кимдаким, бирор нарсани куч билан тортиб олса, уни мана шу қулнинг қисмати кутади. Қўшиндагилар кўрқиб қолдилар, раият эса тинчланди».

УНВОНЛАР ҲАҚИДА ФАСЛ

«Унвонлар ҳам бугунги кунда кўпайиб кетди, нима кўп бўлса, унинг қадр-қиммати пасаяди. Ҳамма подшоҳлар ва халифалар унвонлар танлашда эҳтиёт бўлганлар. Ҳар бир кишининг унвони ва мартабасини сақлаши мамлакатнинг ор-номусидандир...»

Унвон марднинг шарафини кўтаради, мартабаси ошиб, шу унвон билан одамлар орасида таниқли бўлади...»

Қирқ учинчи фасл ҳақида гапиргим келмаяпти... У ерда аёллар ҳақида сўз боради. Низомулмулк ўз қарашларини Кайковуснинг хотини Судоба мисолида далиллаган. Хулоса чиқаришга шошилмаймиз. Асарнинг яратилганига бир неча юз йиллар бўлган, ахир.

Келинг, батафсил тўхталмаймиз, шу фаслдан бир ҳикоятни келтириш билан чекланамиз.

Ҳикоят

Бузургмеҳрдан сўрадилар:

– Нега ал-Сасон салтанати барбод бўлди? Сен уларнинг тадбирли ва доно кишиси эдинг-ку? Бугунги

Бойлиқ дунёнинг барчасини сотиб олишга қодир бўлишинг эмас, балки дунё йиқилиб сени сотиб ололмастидир.
Адҳам Шарқовийнинг «Қисқа ўй-фикрлар» асаридан.

кунда тадбиркорлигинг, яхшилигинг ва билимингга тенг келадиган киши жаҳонда кўринмайди-ку!

– Икки сабаби бор. Бири шуки, ал-Сасон буюк ишларни майда ва нодон кишиларга буюрарди. Иккинчиси, илм аҳли ва хираманд кишиларни хизматларига олмай, хотинлари ва ёш кишилар билан иш тутарди. Бу иккала гуруҳга ҳам ақл, билим ва тажриба етишмасди. Кимки хотинлар ва болаларга амал берса, қўлидан подшоҳлик кетади.

Ҳа, бу шундай китобки, уни зерикканда варақлаб бўлмайди. Ҳар бир гапнинг мағзини чақиб ўқисангиз, асар бугунимиз учун ҳам қимматли эканлигини англайсиз. Жавонингиз ва қалбингизни «Сиёсатнома» деб аталган ноёб мулк-ла бойитинг.



Инобат ИБРОХИМОВА,
«Vatanparvar»



БОБУР МИРЗО ҚАНДАЙ ИНСОН БЎЛГАН?

«Хижрон аро ёд этиб, мени шод эттинг» дея лутф этади Мирзо Бобур рубоийларидан бирида. Чиндан ҳам, улуг аждодларни ёд этиш, уларнинг беназир илмий ва бадиий меросини ўрганиш, ҳаёт йўлларини тадқиқ қилиш авлодларнинг бурчидир. Аслида Ватани тарихи билан қизиқмайдиган инсон бўлмаса керак. Айниқса, буюк шахсларнинг ҳаёти ва инсоний характери қизиқ ва ибрат олгуликдир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахси ҳақида га-
спирганда, аввало, унинг Аллоҳнинг бир бандаси, инсон сифатида кўрган-кечирганлари, мустаҳкам империя қуриш маҳорати ва машаққатлари, талик меҳри, қариндошлик анъаналари, характеридаги тантилик ва мардлик каби сифатларини ўрганиш ва ўргатиш муҳим аҳамият касб этади.

Биринчи галда Мирзо Бобурнинг ўта ростгўй инсон бўлгани таҳсинга лойиқ. «Бобурнома»ни варақлар эканмиз, унинг оқ қоғоз қаршида ўзидан фаришта ясаб олгани, бор гуноҳу савобини рўй-рост ёзганига амин бўламиз. У гоҳ гулларнинг турию рангини санаётган биолог, гоҳ ҳарбий санъатдан сабоқ бераётган саркарда, гоҳ сўзни, шеърни увол қилмасликини ўргатаётган адабиётшунос ва ҳатто касалликлар ташхисию даво йўллари ҳақида фикр билдираётган шифокор тимсолида гавдаланади. Нафақат шоҳ ва шоир, балки қомусий олим дея эътироф этилган Мирзо Бобур асарлари ҳануз Ғарб мамлакатларида севиб ўқиладигани, қайта-қайта таржима ва янги нашрлар қилинаётганининг бош сабаби ҳам мана шу ростгўйликда бўлса керак. Муаллиф ҳатто ўз камчиликларини-да хаспўшламай айтаверади. У замондошларини ва биз, авлодларини алдамагани учун ҳам ҳурматга лойиқ.

Бола бошидан деганларидек, Хондамирнинг маълумот беришича, Мирзо Бобур болагиданоқ «давлат ва иқбол нурлари ҳоли жамолидин ялтирар», кейинчалик тарбияту илм кўра бошлагач, «ўсиб-улғайиш замони аввалидан шавкат ва истиқлол аломати бахт келажакли манглайдан билиниб турарди». Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» асаридан эса бу улуг бобомизнинг ислари ҳам шунчаки қўйилмаганини билиш мумкин. Яъни Заҳириддин Муҳаммад исми Хўжа Аҳрор Валий томонидан қўйилган экан.

Темурийлардаги маърифат аҳлига ҳурмат ва ҳомилийк хислати Мирзо Бобур характерида ҳам муҳим ўрин тутган. Биргина мисол: у бир хасталикка учрагач, Аллоҳ кўнглига «Волидия»ни назмий таржима қилиш ниятини солади. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ёзади: «Сешанба кечаси сафар ойининг йигирма еттисидеда ҳазрат Хожа Убайдуллоҳнинг «Волидия» рисоласини назм қилмоқ хотиримга кечти. Ҳазратнинг руҳига илтижо қилиб, кўнглумга кечурдимким, агар бу манзум ул ҳазратнинг мақбули бўлур, худ нечүкким, соҳиби «Қасидаи бурда»нинг қасидаси мақбул тушуб, ўзи афғиж маразидан халос бўлди, мен доғи бу оризадин кутулуб, назимнинг қабулига далиле бўлғусидур». Аллоҳнинг қароматини қарангки, таржимадан сўнг Бобур Мирзо жисмида касалликдан асар ҳам қолмайди. Подшоҳ мана шу таржимасидан нухса ва унга қўшиб бир қуйма олтин, битта қитъа Мовароуннаҳрга ўша даврда Нақшбандия тариқати пешвоси бўлган Маҳдуми Аъзамга юборгани тарихий манбаларда қайд этилган. Маҳдуми Аъзам ҳам унга жавобан «Бобурия» асарини ёзиб, шоҳ ва шоирга тухфа қилган экан.

Самарқандда яшаган бу тариқат пешвоси ва Бобур ўртасидаги руҳоний қувват воқеаси ҳам ибратлидир. 1527 йили март ойида Читора ҳокими Рона Санго ва Бобур орасида жанг бўлиб ўтади. Бу жангда Бобур ва унинг аскарлари бир неча марта мағлуб бўладилар. Шунда жангчиларнинг кўнглида тараддуд ва умидсизлик пайдо бўлади. Бу ҳақда «Бобурнома»да «...улук-кичикта дағдаға ва тараддуд кўп эди. Ҳеч кимдан мардона сўз ва далирона раъй эшитилмас эди», дейилади.

Шунда Бобур бир вақтлар Самарқандга, яъни Хусайн Хоразмий ҳузурига кўп совғалар билан бир дарвишни жўнатгани, Хусайн Хоразмий эса табаррукан

ўз ҳассасини юборгани, ҳассага ғилоф ясашиб хазинасида сақлаб қўйганини эслайди. У шайхнинг ҳассасини ёнига қўйиб, кучли ихлос билан ҳазратнинг ботинига юзланади.

Шундан кейин пешводан ғалаба башоратини олади ва эрталаб туриб буни лашкарларга етказилади. Лашкарлар буни эшитганларидан кейин ғайрат-шижоат билан жангга отланадилар ва уларнинг қўли баланд келади.

Сўнгра Бобур махсус кишилари орқали Хусайн Хоразмийга ниёз тариқасида бир сиқим олтин танга юборади. Шу пайтда Хусайн Хоразмий Самарқандда бир ҳовлида яшаётган бўлиб, ернинг эгаси жой фақатгина тилла эвазига сотилишини айтиб турган бўлади. Шу мушкул пайтда Бобурнинг элчиси етиб келади ва омонатни шайхга топширади ҳамда бу фақат бир нишона, агар шайх биронта ишончли кишини юборса, қолган ашрафи ва совғалар ҳам у орқали бериб юборилишини айтади. Шайх омонатни қабул қилади, лекин одам юбормайди. Мана шу маблағ сабаб уй сотиб олинади. Ҳозирги кунда Самарқанд шаҳрида Регистон майдонининг шарқида Хусайн Хоразмийдан қолган ёдгорлик жойлар мавжуд дейишади. Ажаб эмаски, улардан бири Бобур ҳиммати билан сотиб олинган бўлса.

Аҳли илм ва аҳли адабиётга Бобурнинг ихлосу ҳомилийги ҳақида жуда кўп далиллар келтириш мумкин.

Мирзо Бобурдан инсоний ибрат олишга арзийдиган яна бир жиҳат унинг қариндош-уруғ аёллар ва умуман, хотин-қизларга меҳру муҳаббатли, самимий муносабатидир. Бу ҳақда ростгўй отанинг ҳақсўз қизи Гулбаданбегимнинг «Хумоюннома»сида бир қанча ҳикоялар бор. Жумладан, у шундай ёзади: «Подшоҳ ҳазратлари Агра шаҳрида тўрт йил турдилар. Ҳар жума кунни аммаларини кўргани борар эдилар. Бир кун ҳаво ниҳоятда иссиқ эди, онам ҳазратлари: «Бугун ҳаво ниҳоятда иссиқ, агар жума кунни кўргани бормасангиз нима бўлади? Бегимлар бундан хафа бўлмасалар керак», деб сўрадилар. Подшоҳ онамга мана бундай жавоб бердилар: «Моҳим, сиздан бу гапнинг чиқиши таажжубдир. Ҳазрат Абу Саид мирзонинг қизлари ўз ота ва биродарларидан жудо бўлиб, бу ерга келган, агар мен уларнинг кўнглини олмасам, унда нима бўлади?»

Мана шу мисолнинг ўзиёқ Заҳириддин Муҳаммаднинг нақадар олижаноб қалб эгаси эканини исботлайди. Бир жиҳат сифатида отасининг жигарлари – аммалари ҳолидан ҳар ҳафта, муборак жума кунинда ҳол-аҳвол сўраши бугунги кун инсонлари учун ҳам гўзал ибратдир.

Яна бир тарихий далил: 1506–1507 йилларда Мирзо Бобур Ҳиротга кетганидан фойдаланган Мирзо Муҳаммад Хусайн қўзғолон кўтариб, шаҳарни қамал қилиб, Қобул тахтини эгаллаган. Бобур мирзо бу жойни қайта қўлга киритгач, Мирзо Муҳаммаднинг хоинлигига қарамай, кичик холаси Хўбнигорхонининг эри – поччаси бўлгани учунгина кечирган, нафақат кечирган, балки эҳтиром кўрсатган экан. Бу ҳақда Гулбаданбегим шундай ёзади: «...холаларининг хотирини қилиб, Мирзо Муҳаммад Хусайннинг гуноҳини кечдилар. Холаларининг кўнглида бўлиб ўтган кулфат ғубори қолмасин деб илгаригидан ортиқроқ ҳурмат қилдилар». Гувоҳи бўлганимиздек, холасининг кўнглини оғритмаслик ғамини еган Бобур бу борада ҳам кўпчилигимизга намунадир.

«Бобурнома» мутолааси жараёнида кузатиш мумкинки, подшоҳ Бобур ўғиллар тарбиясида анчайин қаттиққўллик қилган кўринади. Бу Хумоюн Мирзога

ёзган хатларидан сезилади. Аслида саройда ўз соҳасининг энг олди бўлган мутафаккир устозлардан тарбия олган йигитнинг имлоси ёмон бўлиши мумкин эмас. Шундай эмасми? Аммо барибир, подшоҳ Бобурнинг Хумоюндан кўнгли тўлмайди. Имло устида, ҳуснихат устида кўпроқ ишлаш, эътиборли бўлишни қатъий талаб қилади: «Яна мен дегандек, бу хатларингни битибсен ва ўқимайсен, не учүкким, агар ўқур ҳаёл қилсанг эди, ўқийолмас эдинг. Ўқий олмагандан сўнг албатта тағйир берур эдинг. Хатингни худ ташвиш била ўқиса бўлур, вале асру муғлақдур. Насри муаммо ҳеч киши кўрган эмас. Имлонг ёмон эмас. Агарчи хейли рост эмас. «Илтифотни «то» била битибсен. Қулунжни «ё» била битибсен. Хатингни худ ҳар тавр қилиб ўқуса бўладур, вале бу муғлақ алфозингдин мақсуд тамом мафҳум бўлмайдур».

Мирзо Бобурнинг фарзандлар тарбиясида ўта эътиборли ота бўлганини эътироф этиш лозим. Яна бир ўринда ўғлига шундай насиҳат қилади: «Агар менинг ризомни тиларсен, хилватнишинлиқни ва эл била кам ихтилотлиқни бартараф қилғил. Кунда икки навбат инингни ва бекларни ихтиёрларига қўймай, қошинга чарлаб, ҳар маслаҳат бўлса кенгашиб, бу давлатхоҳларнинг иттифоқи била ҳар сўз-унга қарор бергайсен». Мана бу сўзлардан ҳам кўришиб турибдики, подшоҳ Бобурнинг мақсади биринчи галда давлат ишларида маслаҳатли тадбир кўриш лозимлиги бўлса, ишқинчи яширин ният эса «Кунда икки навбат инингни ва бекларни ихтиёрларига қўймай, қошинга чарлаб» жумласида бор. Яъни бу насиҳат тагидаги маъно ўғилларининг аҳил бўлиши ҳақидаги орзуси эди.

«Бобурнома»ни мутолаа қиларканмиз, муаллифнинг дўстлари, навкарлари даврасида нақадар мард, танти, қўли очиқ инсон бўлганини тасаввур қиламиз. Дўстлар даврасида мутуйоба йўлида шеърлар ёзилгани, мушоиралар бўлганини ҳам эслайди. Айниқса, Иброҳим Лўдийга берган баҳоси тасвирланган ўринда унинг раҳбарлар характеридаги қайси жиҳатларни ёқтирмаганини аниқ илғаш мумкин: «Тенгри таоло рост келтурди не йигитини рози қила олди, не хазинасини улаша олди. Қандин йигитини ризо қила олурким, табиатиға имсок (хасислик) кўп ғолиб эди. Ўзи ярмоқ йиғиштурмоққа беҳад толиб, бетажриба йигит эди. Не келиши саранжомлик эди, не туруши, не юруши эҳтимомлик эди, не уруши».

Айниқса, Бобур сийратигади мулоҳазакорлик, босиқлик, танганин ҳар икки томонини ҳам бирдай кўра олиш қобилиятини эътироф этиш лозим. У кимдир ҳақида маълумот берар экан, унинг фазилатларини санай туриб, камчилигини ҳам унутмайди. Ҳатто душманлари тасвирида ҳам уларнинг қусурларини санай туриб, ҳеч бўлмаганда «табъи назми» борлигини эътироф этади. Шу боис ҳам, унинг «Рости шу эдики, ёзилди» деган гапи мутлақ ишонарли.

Тан олиб айтамызки, бу маълумотлар Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шахс сифатидаги қирраларини очишда денгиздан томчи кабидир. Тома-тома қўл бўлур, деганларидек, оммавий ахборот воситалари орқали, адабиёт кучи билан халққа Мирзо Бобур шахсини, кўнглини, илм-марифати, маҳорату шижоатини етказиш, унинг беназир меросини халқчил тилда бир кун эмас, ҳар кун баҳоли қудрат тарғиб қилиш барчамизнинг бурчимиздир.

Ситора ТОЖИДДИНОВА,
«Бобур ва дунё» журнали
бош муҳаррир ўринбосари

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Яшнобод туманидаги 58-«А» ҳарбий шаҳарчада ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари учун бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлигига қарашли ҳарбий қисм томонидан ташкиллаштирилган мазкур ярмаркада тумандаги қатор корхона, ташкилот ва ўқув марказлари ўзларининг мингдан ортиқ бўш иш ўринлари билан иштирок этди.



– Тадбир банд бўлмаган аҳолига хизмат кўрсатувчи «Ишга марҳамат» мономаркази ҳамда туман Бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда ўтказилди, – дейди ҳарбий қисмининг хотин-қизлар ва ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўйича етакчи мутахассиси Гулнора Қултоева. – Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари орасида олий маълумотлилар, касб-ҳунар коллежларини та-

касб-ҳунар ўрганишга иштиёқманд аёллар ва қизлар учун ўз хизматларини тавсия қилди.

– Ўзбекистон Миллий университетининг Биология факультетида ўқиганман, – дейди сержант Мурод Телесовнинг турмуш ўртоғи Диана Назирова. – Лекин ҳали соҳам бўйича ишламадим. Чунки анча вақтдан буён фарзанд тарбияси билан машғулман. Аслида ярмаркага ўз мутахассислигим бўйича иш

МИНГДАН ОРТИҚ ИШ ЎРИНЛАРИ ТАКЛИФ ЭТИЛДИ

қидириб келгандим. Лекин бу ерда бепул касб-ҳунар курслари ҳақидаги эълонни ўқиб қолдим ва мен ҳам косметология курсида ўқиш учун ариза топширдим. Чунки бу соҳага жуда қизиқаман. Ўқиш яқин кунларда бошланар экан. Менимча, ҳунар ўрганишининг эрта-кечи бўлмайди.

– Мен ҳам фарзандларим туғилмасидан олдин мактабгача таълим ташкилотиде тарбиячи бўлиб ишлаганман, – дейди яна бир суҳбатдошимиз сержант Низомжон Якубовнинг турмуш ўртоғи Умида Тўхтаназарова. – Яқинда кичик фарзандим уч ёшга тўлди. Энди уни боғчага берсам, бемалол ишлай оламан. Иш ўринлари рўйхатида бир қанча мактабгача таълим ташкилотларидаги бўш жойлар ҳақида маълумот олдим. Кейинги ойдан иш бошлашни режалаштиряпман.

– Мен ҳам фарзандларим туғилмасидан олдин мактабгача таълим ташкилотиде тарбиячи бўлиб ишлаганман, – дейди яна бир суҳбатдошимиз сержант Низомжон Якубовнинг турмуш ўртоғи Умида Тўхтаназарова. – Яқинда кичик фарзандим уч ёшга тўлди. Энди уни боғчага берсам, бемалол ишлай оламан. Иш ўринлари рўйхатида бир қанча мактабгача таълим ташкилотларидаги бўш жойлар ҳақида маълумот олдим. Кейинги ойдан иш бошлашни режалаштиряпман.

Г. ҲОЖИМУРОВА

Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари учун қўшимча равишда кўплаб янги иш ўринлари яратилди. 3 мингдан зиёд ҳарбий пенсионерлар ишга жойлаштирилди. Ҳарбий хизматчиларнинг мингдан ортиқ фарзандларига олий ўқув юртларида таълим олишлари учун давлат грантлари ажратилди. Ҳеч шубҳасиз, «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да бу борадаги ишларимизни янада кучайтириб, мутлақо янги босқичга кўтарамиз.

Президентимизнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригидан

ЭЗГУ ИШЛАРНИНГ УЗВИЙ ДАВОМИ

Сўнгги йилларда ҳарбий хизматчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, турмуш шароитини яхшилаш ва уларнинг оиласи фаровонлигини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Қарши шаҳридаги ҳарбий шаҳарчада ташкил этилган бўш иш ўринлари ярмаркасида ҳам айна шу ишларнинг узвий давоми бўлди.

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ бошқарув аппарати ҳамда Қарши шаҳар Бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур тадбир ҳарбийларнинг айна пайтда иш билан банд бўлмаган оила аъзоларини иш билан таъминлашга қаратилди.

Унда марказ ҳарбий оилаларга ўзларининг турли соҳаларда мавжуд бўлган 87 та бўш иш ўринларини таклиф этди. Ташриф буюрганлар мутахассисликларига мос ҳамда ўзларига маъқул иш билан таъминландилар.

Ярмаркада нафақат тайёр кадрларга иш бериш масаласи, балки маълум мутахассисликка эга бўлмаган фуқароларни касбга йўналтириш борасида ҳам тушунтириш ишлари олиб борилди.

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ матбуот хизмати



САЙЁР ҚАБУЛ

Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасидан келиб чиқадиган вазифалар ижроси доирасида Республика Ҳарбий прокуратураси томонидан Нукус шаҳрида Миллий гвардия Қорақалпоғистон Республикаси Қўриқлаш бошқармаси органлари ходимлари ҳамда оила аъзолари иштирокида сайёр оммавий ва шахсий қабуллар ташкил этилди.

МУАММОЛАР ЎРГАНИЛДИ

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг ўринбосари адлия подполковниги Сарвар Мухитдинов томонидан Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари, ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг барча соҳалардаги иштирокини ошириш, энг аввало, дарду ташвишлари, ижтимоий-иқтисодий муаммолари ва эҳтиёжларини ижобий ҳал этиш борасида Ҳарбий прокуратура ва Миллий гвардия органлари ҳамкорлигида амалга ошириб келинаётган чора-тадбирлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Қабулларда ўнга яқин давлат ташкилоти мутахассислари иштирок этиб, 63 нафар ходим ва уларнинг оила аъзоси бевосита тингланди, қабул қилинган мурожаатлар юзасидан қонун ҳужжатлари талаблари доирасида тушунтиришлар берилди.

Қабуллар жараёнида меҳнат ярмаркаси ва китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

Адлия подполковниги Азиз ИСАКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий
прокурорининг катта ёрдамчиси

АЛИШЕР НАВОЙЙ ЖАНГЛАРДА ИШТИРОК ЭТГАНМИ?



Буюк шахсиятга бағишланган «Мақорим ул-ахлоқ» – «Олижаноб хулқлар» асарида шу ва бошқа саволларга ҳам жавоб топиш мумкин

Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти, уммондек теран ва инжуларга бой адабий мероси ҳақида хабар берувчи манбалар орасида Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамирнинг «Хулосат ул-ахбор фи баён ул-аҳвол ул-ахёр» – «Хайрли кишилар аҳволини баён этиш борасида хабарлар хулосаси», «Мақорим ул-ахлоқ» – «Олижаноб хулқлар», «Дастур ул-вузаро» – «Вазирлар учун қўлланма» асарлари алоҳида ўрин тутаяди.

Ўзини «нотавон» деган улуғ тарихчи

Илк сабоқларни она томондан бобоси тарихчи Мирхонддан олган Ғиёсиддин Хондамирнинг отаси теурий Султон Маҳмуд Мирзонинг вазири эди. Бобоси Мирхонд ва Навоийнинг ҳомийлигида тафсир, адабиёт, тил ва тарих илмларини чуқур эгаллаган Хондамир илк асари «Маосир ул-мулк» – «Подшоҳларнинг улуғ ишлари»ни ёзиб, ўзининг юксак истеъдодини намоян қилади. Бу ёш йигитнинг илмга чанқоқлиги, фасоҳати ва юксак қобилиятини кўрган Алишер Навоий ўша замонда Хуросоннинг энг бой китоб хазиналаридан бири ҳисобланган кутубхонасини 1499 йил Хондамирга топширади. Бу ҳақда у «Ул ҳазрат ўзларининг кутубхоналарида бўлган ҳар қандай китобни мендек бир нотавонга тақдим этиб, мени ушбу асарларни ўқиб-ўрганишга рағбатлантирдилар», дейди.

Навоий вафотидан кейин 1503 йилдан Балхда Бадиуззамон саройида хизмат қилган муаррих 1528 йилда Ҳиндистонга, пойтахт Аграга – Бобур хузурига боради ва 1529 йил Бобурнинг Бенгалия ва Ганг дарёси соҳили томон қилган юришида қатнашади. Бобур вафотидан сўнг Ҳумоюн билан ҳарбий юришларда иштирок этган Хондамир «Ҳумоюннома» асарини ёзади ва унга «Амир ул-муаррихин» унвони берилади. Ҳумоюн билан ҳарбий юришдан қайтиб келаётганда вафот этади ва васиятига кўра, шоир Хусрав Дехлавий ёнига дафн этилади.

Ўндан ортиқ асарлар муаллифи, закий тарихчи Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ» – «Олижаноб хулқлар» асари Алишер Навоийнинг буюк шахсиятига бағишланган бўлиб, у зотнинг заковати, меҳрибонлиги, камтарлиги, сахийлиги, ҳаётидаги ғаройиб воқеалар, давлат тутумидаги иштироки ҳақидаги нодир ҳикоялардан таркиб топган.

Бу асарда Навоийнинг вазият тақозосини англаб, тўғри қарор қабул қилишдаги улуғ идроки ҳақида ҳам ажиб ҳикоялар борки, улар Амир Алишернинг ҳарб ишларида ҳам нуктадон эканлигидан хабар беради.

1469–1470 йилларда Шохрух Мирзонинг авлодларидан Мирзо Ёдгор Мухаммад ва Абу Саид Мирзонинг ўғли Султон Маҳмуд Мирзо тахт даъвогарлари сифатида майдонга чиқадилар.

Мунажжимдан наф йўқ

Хуросон орзусидаги Мирзо Ёдгор Мухаммад Ҳасанбек Туркман билан тил бириктириб, Султон Ҳусайн Бойқарога қарши юришни бошлайди. Бу ҳақдаги хабарни эшитган Бойқаро амирлари ва лашкарини душманга қарши отлантиради. Қўшин Машҳад шаҳридан ўтганида олдиндаги амирларга душман яқинлашиб қолгани тўғрисидаги хабарлар кела бошлайди. Шунда Бойқаро тезлик билан ёғий томон ҳаракат қилиш лозимлигини айтади ва ҳужумнинг вақтини белгилаш учун хузурига мунажжимларни чорлайди.

Бу даврда Мир Алишер «Ҳазрат Султоннинг энг яқин кишиси» деган мақом ва даражага эришган эди.

Душман билан тўқнашув тайин бўлиб турган соатларда ҳеч ким ҳукмдорга бир сўз дея олмас, аёнлар қалтис вазиятда жим бўлиш ва бўйсуннишни маъқул кўрган эдилар. Шу лаҳзаларда Навоий Бойқарога шундай маслаҳат беради.

– Ҳозир мунажжим чақиришдан ва қўшин учун вақтнинг омадли ёки омадсиз эканлигини аниқлашдан ҳеч қандай наф йўқ. Ҳужумнинг қайси соатда бошланишидан қатъи назар, ҳозир бу ишдаги ҳар қандай имиллаш ёки тўхталиш зараримизга хизмат қилиб, ғалабага тўсқинлик қилиши тайин. Шу сабаб қарши ҳаракатда ҳар бир дақиқани ғанимат билиб, фақат шошилоқ зарур ва бу энг тўғри йўл бўлур.

Ҳусайн Бойқарога бу таклиф маъқул тушади ва душман томон юриш бошланади. Шундан сўнг Чинорон деган манзилда икки қўшин ўртасида жанг бўлиб ўтади. Навоийнинг маслаҳати билан ўз вақтида душман устига ташланган қўшиннинг тезкорлиги сабаб Мирзо Ёдгор Мухаммад мағлубиятга учрайди.

Шармандали мағлубият Мирзо Ёдгорнинг кўзини очмайди. У пайт пойлаб, пойтахтни эгаллаш учун шаҳар ичидан ўз тарафдорларини топади. Ҳусайн Бойқаро Маймана ва Форёб томонларга кетганда Мирзо Ёдгорнинг онаси Поянда Султонбегим Ҳирот ичкарасида бир неча бек ва амалдорларни ўз томонига оғдириб олади. Хоинлар томонидан Мирзо Ёдгор Мухаммад номига хутба ўқитилади.

Салтанат пойтахти Ҳиротнинг қўлдан кетгани ва уни Мирзо Ёдгор Мухаммад эгаллаб олгани ҳамда душманнинг маҳв этилиш воқеасини Ғиёсиддин Хондамир «Мақорим ул-ахлоқ» асарининг «Ақл ва идрокнинг улуғлиги ҳамда юксак даражаси ҳақида» деб номланган бобида шундай баён қилади.

Ҳиротни қайтариб олишда Навоийнинг тадбири

Соҳибқирон Султон (Ҳусайн Бойқаро) тўғри йўл кўрсата олувчи Амир (Алишер Навоий)ни яширин бир жойга чақириб, у билан маслаҳатлашиш мақсадида шундай деди:

– Эшитишимизча, туркманлар салтанат пойтахти Ҳиротда жабр-зулм байроғини тикибдилар. Мирзо Ёдгор Мухаммад роҳат-фароғат ва ғафлатда айш-ишрат чироғини ёққанмиш. Кўнглимдан шу нарса ўтмоқдаки, агар фикрингиз шуни тақозо қилса, у томонга юриш қилсак.

Ул ҳазрат (*Навоий*) бу фикрни маъқуллаб, бу режанинг яширин тутилиши лозимлигини уқтирди ва деди:

– Бу гап менга ҳам айтилмаганда яхшироқ бўлар эди.

Шунда Соҳибқирон Султон:

– Бу масалада ҳаддан ортиқ эҳтиёткорликнинг ва бунчалик қаттиқ туриб сўрашнинг сабаби нимада? – деб сўради.

Улуғ мартабали Амир шундай жавоб берди:

– Бу гапни сир сақлаш ўта зарурдир. Чунки ҳар куни бизнинг одамларимиздан бир гуруҳи Мирзо Ёдгорнинг олдига қочиб ўтмоқдалар. Улар бу хабарни етказишдан ортиқ қимматлироқ совға тополмайдилар. Агар у бу яширин режадан хабар топса, эҳтиёткорлик чораларини кўриши ва ҳатто бу томонга юриш қилиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас.

Шундан кейин тезлик билан Ҳирот томон йўлга чиқилди. Лангари Бўкан деган жойга етгунга қадар ҳеч кимга юриш муддаоси билдирилмади. Шу жойга етгандан кейингина амирлар ва давлат арконларига юриш мақсади айтилди ва улар режани маъқулладилар. Кўпчилик Боғи Зоғон боғига сарой бўш қолдиган туш пайти кириб бориш фикрини айтдилар. Бироқ доно Амир (*Алишер*) бу фикрни маъқулламади ва шундай деди:

– Боққа кириш учун энг қулай фурсат тундадир. Чунки кундуз куни Мирзо Ёдгорнинг одамлари бизнинг ҳужумимиздан хабар топиб, тезлик билан куч йиғишлари, натижада биз муваффақиятсизликка учрашимиз мумкин. Тунда ҳужум қилинадиган бўлса, улар хабардор бўлган тақдирда ҳам ўз кучларини йиғиши эҳтимолдан йироқ. Бундан ташқари, биз кўзлаган мақсадимизга эриша олмаган тақдиримизда ҳам, қоронғилик пардаси тутилган тун чоғида бирор томонга чекинишимиз мумкин, ҳолбуки кундуз куни бунинг иложи бўлмайди.

Соҳибқирон Султон бу сўзларни маъқуллади ва Боғи Зоғонга кечаси кириб борди. Кўнгли пок Амирнинг чора-тадбирлари тақдирга ёзилганларга мувофиқ келди.

«Хулосат ул-ахбор»да келтирилишича, шу жангда Мирзо Ёдгор Мухаммад қўлга тушди ва охираат оламига йўл олди.

Шогирдлик шукрини адо қилиш

Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамирнинг бир неча илмлар соҳиби, етук муаррих бўлиб етишишида Алишер Навоийнинг хизмати катта бўлган. Кўплаб истеъодлар каби Хондамир ҳам Навоий ҳомийлигида вояга етган эди. Бу ҳақда у «Мақорим ул-ахлоқ» асарининг ҳамд (*муқаддима*) қисмида аниқ маълумотлар беради.

«Мен болалик чоғларимдан то йигитлик даврининг охиригача қадар ул ҳазрат (*Навоий*)нинг лутфу эҳсон ариғи ёқасида униб-ўсдим. Унинг берган неъматларидан айримларининг шукрини адо қилиш учун қандай хизматга бел боғласам экан, деган фикр ҳамини кўнглимдан ўтар ва хаёлда чарх урарди. Ахийри ақл муршиди руҳ қулоғига айтдики, эзгу ишларни қилувчи бу Амирнинг катта ишлари ва қахрамонликлари шухрати, барча юртлар ва ғўшаларгача етиб, тилдан тилга кўчиб юрган фазилатлари, олижаноб хулқлари ва чиройли одобларидан бир қисмининигина ҳикоя қиладиган бир неча боб ёзилса, бошқаларда кам учрайдиган ҳолатлари ва кайфиятлари, қизиқ ва ғаройиб ишлари, сеҳрли истеъдоди ва нозик иборалари ... шарҳланса, қилган яхшиликлари ҳаққини адо этиш ва неъматларга шукр қилишнинг озгина бўлса-да, урдасидан чиқа олган бўлардинг».

Хондамир Навоийга шогирдлик мақомида туриб, бу асарни ёзишга киришади. Бу вақтда Навоий ҳаёт эди. Асарга муқаддима, ўн мақсад ва хотима шаклида тартиб бериб, унга «Мақорим ул-ахлоқ», дея ном беради. Қоғозга туширилган қораламалар оққа кўчирилмасдан олдин улуғ шоир Мир Алишер Навоий 1501 йилда фоний дунёдан боқий дунёга сафар қилади. Улуғ туркигўй шоир жон берар чоғида ҳам унинг ёнида бўлган Хондамир оққа кўчирилмаган асарига минг изтироб билан «йиғлаётган боладек қайғу ва аламга тўла бу қиссани», яъни «ул зотнинг қандай касал бўлганликлари ва қай ҳолатда вафот этганликларини» киритади.



Султон Саид Мирзо Султон Абусаид замонида Соҳибқирон Султон лашкарлари баъзида замон тақозосига кўра, Хуросон вилоятлари ва туманларига ҳужумлар уюштириб турардилар. Бир гал улардан икки нафари Амир Аҳмад Ҳожи одамлари томонидан қўлга олинди. У ўйлаб ўтирмасдан буларнинг ҳар иккаласи қатл этилсин ва бошлари Самарқанд волийси Султон Аҳмад Мирзонинг олдига олиб борилсин, дея ҳукм чиқаради.

Ўша пайтда Аҳмад Ҳожининг қўшинида бўлган Навоий бу ҳукм ҳақида эшитиб, икки асирга раҳми келди ва амирга:

– Бу икки кишини тириклай Султон Аҳмад Мирзога юбориш керак, токи унинг ўзи булардан аҳвол қандай эканлигини билсин ва маъқул ҳукми ўзи чиқарсин, – деди.

Аҳмад Ҳожи Навоийни олқишлади ва асирларни подшоҳ олдига жўнатди. Султон Аҳмад Мирзо улардан ҳақиқий аҳволни билгач, ҳар иккисини қамоққа ташлади.

Орадан бир қанча вақт ўтгач, уларнинг бири озод бўлиб, Навоий ҳузурига ошиқди. Унинг хизматида бўлиш мажбуриятини бўйнига олиб, бир умр мулозимлари қаторидан жой олди.

Бир сафар Султон Саид амирларидан бир гуруҳи Чаҳчаҳ яқинидаги жангдан сўнг бир тўда аскарни асир олиб, уларни қатл этиш ва бошларини ўз подшоҳларига юбориш учун бўлиб олишди. Шу вақтда Алишер Навоий Амир Султон Ҳасаннинг ўғли Мирзобек билан бирга эди. Асирларнинг иккиси Амир Султон Ҳасанга ажратилди.

Ушбу амирнинг ўзи бўлмаган, аммо Навоий Мирзобек билан бирга турган жойга тавочи икки асирни олиб келди-да, нима қилиш лозимлигини уқтирди. Олижаноб Амир Алишер бу ҳолатни кўриб ташвишланди ва Мирзобекка қараб:

– Мен жанг майдонининг фалон жойида бир жасадни кўрдим. Жаллодга бир-икки танга берсангиз, унинг калласини олиб келса ва шуни асирлардан бирининг калласи, деб подшоҳнинг олдига жўнатсангиз, асирлардан бирини ўлдирмасдан қўйиб юборсак, деган умидда эдим, – деди.

Мирзобек Навоий айтганини қилди ва бир кишининг ҳаёти сақлаб қолинди.

Ҳазрат Навоий иккинчисининг ҳаётини қай йўл билан сақлаб қолсак экан, деб ўйлаб турганларида, тавочи келиб, биттадан ортиқ асирни ўлдирманг, деди. Шундай қилиб, жанг майдонидан олиб келинган каллани унга бериб, ҳар икки асирни қўйиб юбордилар.

«МЕН ҲАМ НАВКАР ЭДИМ»

Бир куни юқори мансабли Амир (*Навоий*) сарой амирлари ҳузурда арз қилиб келган кишиларнинг арзларини тинглаб ўтирганларида, тўсатдан садрлик каби олий мансабга етишган мавлоно Қутбиддин Хавофий келиб қолди. Ўта безовта бир ҳолда арз қилиб келган кишилар орасидан жой олди-да, олдин менинг арзимга қулоқ солинг, деди.

Ул олий ҳазрат (*Навоий*) ҳол-аҳвол сўраш ва меҳрибонлик кўрсатиш орқали жаноб Мавлавийнинг ғазабини сўндиришга уриндилар. Уни ўз ёнларига ўтиргизиб, шикоятини сўрадилар. У шундай жавоб берди:

– Хожа Ҳусайн Кирангий мени қаттиқ ҳақорат қилди. У менга, сен илгари мавлоно Мухаммад Муаммой навкарларидан бир эдинг, деди.

Ул ҳазрат (*Навоий*) бу гапни эшитиб, ажабландилар ва табассум билан дедилар:

– Бу гапдан аччиқлишиш ва даъволашишнинг нима кераги бор? Агар ўша Хожани бу ерга чақириб, ушбу даъвони кўриб чиқадиган бўлсак, унинг айтганлари тўғри бўлиб чиқади. Тўғри гапдан хафа бўлиш ақлга тўғри келмайдиган ишдир.

Шундан кейин даврада ўтирган Амир Султон Ҳасанга ишора қилиб дедилар:

– Мен ҳам илгари Амир Султон Ҳасаннинг навкари эдим. Ҳозир амирлик ва ноиблик каби муҳим мансаб ва лавозимга эришганимга қарамасдан, ҳали ҳам у кишининг хизматида бўлишдан ор қилмайман. Агар имкони бўлса, у кишига олдингидан ҳам кўпроқ хизмат қилиб, ўзимни у кишининг қуллари жумласидан санайман.

У ерда ҳозир бўлганлар бу гапларни эшитиб, ул ҳазратнинг бениҳоя камтарлиги ва хушфевлигидан ҳайратга тушдилар. Бу сўзларни эшитган Амир Султон Ҳасан хижолатда қолди, жаноб Мавлавий бўлса уялиб, бемаъни даъвосидан кечди.



ТАДҚИҚОТ

Қисқача: ушбу тадқиқотлар «Ватанпарвар» газетаси ўқувчиларига машҳур шоир ва драматург Мақсуд Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди» асарининг асл қўлёзма манбалари орқали таҳлил қилинаётгани билан ҳам қимматлидир. Мухтарам ўқувчи, ушбу битиклар орқали Мангуберди даври ва ижтимоий-сиёсий муҳит, Хоразмшоҳлар салтанат инқирози ва қонли жанглар, Жалолиддин жасорати ва унинг тақдирига оид воқеаларни давомли йўсинда ўқиб бориши мумкин.



* * *

«Бир бўлсайди салтанат, Эл-уруғлар бир, даҳшат сочиб бўлардик жангда оламгир!»

Жалолиддиннинг Ватанидан мангу айрилган маҳал ичидан отилиб чиққан бу надоматли сўз ҳамон тинмаган, ҳамон аҳамиятини йўқотмаган. Бирлик, мардлик, сўздаги аҳдлик, шаън ва шижоат эр йигитнинг доим ялови бўлган, бундай шахслар етишган миллатларнинг эса омади бўлган.

Шоир, драматург, адабиётшунос Мақсуд Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди» беш пардали фожиаси уруш йиллари ёзилди. Кейинчалик мунаққидлар бу драмани «Иккинчи жаҳон уруши бутун дунёни мувозанатдан чиқарган пайтда қон билан ёзилган улғвор трагедия» деб таърифлашди.

Дунё равишига ҳамоҳанг битилган ва минг йиллар давомида тинмаган урушларнинг бир қонли ва аламли манзараси ётарди драмада. Минглаб аскарлар фронтда жон олиб жон берар, буни руҳан ҳис қилган, ёзилган Шайхзода уруш ва босқинчиликка сўз қуролини ишга солиб қарши турарди.

Элнинг қаҳрамон образини яратиш, халқнинг айрилиқ ва жудоликка тўлган кўнглига чироқ тутиш, шундоқ ҳам уруш ўз чангалига тортаётган ёшлар юрагига қувват ва умид бериш, улар руҳини кўтариш саҳна асаридан кўзланган катта мақсадлардан бири эди. Шунинг учун ҳам асарда ўлмас бир алам, ўтли шижоат ва жанговар руҳ бор.

Темур Малик:

*Балки сувда ухлайди бетинч балиқлар,
Аммо тингла: дарёда жосус ҳайиқлар,
Гирдобларнинг қўйнида йўқ менга тиним,
Чунки кутар саркардам,
Жалолиддиним!
Уйқу ҳаром отага, хавф чоғи ҳар дам,
Ухла, ўғлим, шаҳрингда менинг учун ҳам!*

Шайхзода нега тарихий қаҳрамонлар ичида Жалолиддин Мангубердини танлади? Чунки Жалолиддиннинг мардлик қўшиқлари афсонага айланган, эллар аро довруқ тутган, Чингизхон ҳужумига қарши чиқиб, эл мададорига айлангандан бери туркий халқлар аро «тирик» қаҳрамон эди.

Шайхзода бу улғу тарихий сиймони саҳнага олиб чиқди ва ҳаётий-бадиий сюжетини яратди.

«Жалолиддин Мангуберди» фожиасининг 1944 йилда ёзилган тўртта варианты сақланиб қолган. Бугунги кунда Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейининг «Ўзбекистон ёзувчилари архиви» фондида сақланаётган Шайхзода қўлёзмалари унинг ижодини ўрганишда ноёб манба бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу қўлёзмалар шоир вафотидан беш йил ўтиб, 1972 йилда шоирнинг умр йўлдоши Сокина хонимдан атоқли ва жонкуяр олим Ҳамид Сулаймон ташаббуси билан қабул қилинган. Эски ўзбек, лотин ва кирилл ёзувларида ўзбек, рус, озар тилидаги қўлёзмалари билан танишар эканмиз, Шайхзода ижод кўламининг янги қирраларини очиб борамиз.

«Жалолиддин Мангуберди» драмасини ёзишда ҳам муаллиф мураккаб ижодий йўлни босиб ўтган. Аммо ҳозиргача бу машқлар сақланмаган, ҳатто шоирнинг вафотидан бир йил ўтиб, унинг турмуш ўртоғи ҳам қораламаларнинг йўқлигини билдирган. Балки саҳна асари бошига қора кунлар тушиб, спектакль театр репертуаридан олиб ташланганидан сўнг қўлёзмалар муаллиф томонидан йўқ қилингандир. Балки 1951 йилда шоирни қамоққа олиш олдидан ўтказилган уй тинтувидан сўнг бу тарихий асарнинг илк вариантлари олиб кетилган бўлиши мумкин.

Бугунги кунга эса драманинг тўртта варианты етиб келган, уларнинг бари драма тугаллик касб этганда машинкада терилган. Лекин биронтаси ҳам тўлиқ эмас, айримларининг варақлари йўқолган, йиртилган ва турли бўёқлар тушиб, лат еган.

Фожианинг қораламаси 1943 йилда ёзиб тугалланган бўлиши мумкин, деган тахминлар бор. Чунки 1943 йил 7 ноябрь куни «Қизил Ўзбекистон» газетасида драмдан парча босилади. Уша газета бўлагига «7/XI. 1943 Мақсуд» дея Шайхзода ўз дастхатини эски ўзбек ёзувида қизил ручкада қолдирган. Газетада драманинг учинчи пардаси берилган. Парча тепасида газета муҳаррирларининг қисқача изоҳи ҳам бўлиб, қўйида изоҳни ўз ҳолича келтирамиз:

«Шоир Шайхзода халқимизнинг ўтмишдаги улғу ватанпарвар сардори Жалолиддин Мангуберди ва шерикларининг қонли жаҳонгир Чингизхонга қарши олиб борган мардона курашларини тасвирлаб яқинда бир драма ёзиб тугатди. Биз бу-

МАНГУБЕРДИНИНГ МАНГУ ҚУШИҒИ

гун ҳурматли ўқувчиларимизни ана шу драманинг 3-пардаси билан таништирамиз»

(«Қизил Ўзбекистон» газети, 1943 йил 7 ноябрь).

Муҳаррир драманинг ёзиб тугалланганлигини таъкидламоқда, аммо асарга ҳали сўнгги нуқта қўйилмаган эди. Чунки бугун Шайхзода архивида сақланаётган «Жалолиддин Мангуберди»нинг қолган уч нусхасига «1944 йил» деб ёзиб қўйилган. Бу вариантларнинг барчасида Шайхзоданинг дастхати қолдирилган ва жузъий тузатишлар киритилган.

Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди» драмаси мураккаб тузилишга эга эмас, таъкидлаганимиздек, бунда асосий ўрин асардаги шиддат ва жанговар руҳга эътибор қаратилган. Драматургик қоидаларга кўра, асар бошидаги воқеа хотимага қарама-қарши бўлиши керак, шундагина саҳна санъати ҳаётий қонунлари ила ривож томон силжиб боради, худди инсон туғилишидаги қувонч ва ўлишидаги қайғу мисол, драматургия аниқ қонунларга таяниши билан бошқа адабий жанрлардан ажралиб туради.

«Жалолиддин Мангуберди» фожиаси тўй саҳнасида бошланади. Хоразмшоҳнинг қизи Султонбегим ва Амир Бадриддиннинг никоҳ оқшоми. Тўйга Жалолиддин Мангуберди ва унинг котиби, тарихчи Насавий кириб келади, улар хурсанд ва шод. Барча базму жамшид қилмоқда ва даврада мадҳ ўқувчилар биринчи сафга тушиб, ўзларини кўрсатмоқда.

Шайхзода асарга «Маддоҳлар» образини киритади ва бу эса ҳукумат ҳолига рамзий ишора бўлиб, Хоразмшоҳларнинг улкан давлати емирилиш сабабларидан бири сохта мақтовларга ўчлик, дея кўрсатилади.

Мадҳчилар Жалолиддин васфни куйлайди:

*«Ассалом, давлатпаноҳ, ҳазрат
Жалолиддин, яша!
Ассалом давлатпаноҳ ҳазрат
Жалолиддин, яша!
Мангулик бирлан яша, ё Мангу
берди, марҳабо,
Хоразмшоҳ давлати бўлғай
музаффар доимо!»*

Шундан сўнг шоҳ кириб келади. Уни ҳам биринчилардан бўлиб мадҳчилар кутиб олади ва унинг шаънига тайёрланган мадҳияни кичкириб ўқишга тушадилар:

*«Ассалом, эй Хоразмшоҳ
шаҳри ёр-пурвиқор,
Бир қўлингда ганжи-олам, бир
қўлингда зулфиқор!
Қиблайи-олам тасаддук, ё
амирал-мўмин!
Давлатингда мустарихдир аҳли
ислом, аҳли дин.
Офарин, Маскандари-боний
қилиб Парвардигор,
Тангрининг олам аро соясидурсан,
хукмдор!»*

Чингизнинг улкан қўшини мамлакатга соя ташлаб турган бир онда улғу Хоразмшоҳнинг бу каби мақтов гапларни эшитиб, ҳузурланиб туриши, улардан руҳланиб ўзи ҳам мадҳга зўр бериши драмада мукамал ҳолда очилган ва «Тангрининг олам аро сояси»нинг ва тарих ҳукмдорларининг характер фожиаси чизилган. Бу мақтовлар хонларни-да хароб қилиб, ўрис босқини амалга ошганига ҳам бир ишора эди. Бизни мақтов эмас, адолат ва куч қутқаришини унутган юрт мағлубликка лойиқ эканлигини Шайхзода уруш йилларидаёқ ўз асарида намоён этади.

(Давоми кейинги сонларда)

Жавлон ЖОВЛИЕВ, ёзувчи



ОЛИЙ ТАЪЛИМ

Қуролли Кучлар академиясида ушбу олий ҳарбий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари ҳамда давлат ташкилотлари ва қатор олий ўқув юртлари мутахассислари иштирокида беш кунлик услубий йиғин ўтказилди.

Ўзаро фикр алмашиш, соҳадаги илғор тажрибаларни ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш мақсади кўзланган ушбу тадбирда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бош илмий-методик марказ вакиллари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Давлат хавфсизлик хизмати академияси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети олимлари ҳам ўз маърузалари билан иштирок этди. Унда 2020 йилда Ўзбекистонда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳаси бўйича амалга оширилган ишлар натижалари сарҳисоб этилиб, олий таълимда профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича олиб борилаётган ислохотлар моҳиятига алоҳида эътибор қаратилди. Таълим сифати ва ўқув-тарбия жараёни самардорлигини оширишда илмий-тадқиқот ишларининг устувор йўналишлари муҳокама этилди.

Тадбирнинг дастлабки кунда «Дунёнинг сиёсий манзараси: Марказий Осиё минтақасидаги ҳарбий-сиёсий вазият», Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бўлим бошлиғи Аббос Хўжаевнинг «Олий ва профессионал таълим тизимида қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ва олиб борилаётган ислохотлар самараси», Ўзбекистон Миллий университети доценти



ПЕДАГОГИК ТАЖРИБАЛАР ЧОТРАҲАСИ



Улуғбек Содиқовнинг «Олий ҳарбий таълим муассасалари раҳбар кадрлари ва ўқитувчиларининг касбий компетентлиги ва креативлиги» мавзусидаги маърузалар йиғилганларнинг эътиборини тортиди.

Куннинг иккинчи ярмида академия докторантлари ва мустақил изланувчилари илмий ишларининг натижалари, факультет, кафедраларда замонавий ҳарбий педагогика ва фанлар бўйича ишлаб чиқилган дарслик, ўқув қўлланма, ўқув-услубий адабиётлар намойиш этилди. Шунингдек, йиғин иштирокчилари академиянинг ахборот-ресурс марказида турли йўналишлар бўйича ўқув-услубий, илмий адабиётлар ва электрон кутубхона фаолияти билан танишишди. Илмий взвод шахсий таркиби томонидан яратилган инновацион ўқув кўргазма қуроллари ва макетлар йиғилганлар эътиборига намойиш этилди.

Йиғин режасига кўра, машғулотларнинг учинчи кунда америкалик мутахассис доктор Роберт Бауманн «АҚШ Қуруқликдаги қўшинларининг Қўмондонлик-штаб коллежида магистрларни тайёрлаш тажрибаси» мавзусидаги маърузаси орқали хорижий тажриба билан ўртоқлашди. Тўртинчи кун эса академиянинг дала-ўқув майдонида отиш ва техник

тайёргарлик фанларидан комплекс амалий машғулотлар ўтказилди. Ўқотар қуроллардан ўқув назорат отиш машқлари бажарилди.

Шунингдек, кафедралар профессор-ўқитувчилари томонидан ўтилган кўргазмали ва очик машғулотлар кузатилиб, унда қўлланган методикалар таҳлил этилди. Қолаверса, тадбир қатнашчилари ўртасида «Фаолиятдаги мавжуд муаммо ва уларнинг ечимлари бўйича таклифлар» мавзусида ёзма сўровнома ўтказилди. Олий ҳарбий таълим ва ўқув-услубий ишларга доир раҳбарий ҳужжатлар талаблари бўйича эркин индивидуал ўзлаштириш тест синовлари топширилди.

Подполковник Ботир СОБИРОВ,
Қуролли Кучлар академияси
катта ўқитувчиси

Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улғу мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим.

Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан

ЎҚУВ ЙИҒИНИ

ҲАРБИЙ ТИББИЁТ ИСТИҚБОЛЛАРИ

2020 йил сайёрамиз аҳлини мураккаб синовдан ўтказди. Эл-юрт саломатлиги йўлида хизмат қилаётган шифокорлар COVID-19 пандемиясига қарши курашда ана шу синовнинг энг қийин – олд қаторларида бўлдилар. Коронавируснинг мамлакатимизда кенг миқёсда тарқалиб кетишининг олдини олишда Мудофаа вазирлиги тизимида фаолият олиб бораётган ҳарбий шифокорларнинг ҳам хизматларини алоҳида эътироф этиш ўринли.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясида ҳарбий тиббиёт муассасалар бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, санитария-эпидемиология хизмати мутахассислари, ҳарбий тиббий комиссия раислари, дорихона бошлиқлари, турли мутахассисликлар эгалари иштирокида онлайн видеоконференц-алоқа ўқув йиғини бўлиб ўтди.

Мудофаа вазирлиги тиббий таъминот бошқармаси бошлиғи тиббий хизмат полковниги Абдувоҳид Азимов ўз чиқишида 2020 йил якунлари ва келгусида амалга ошириладиган ишларга тўхталиб ўтди. Тиббий таъминот бошқармаси бошлиғининг ўринбосари тиббий хизмат полковниги Абдуғани Юлдашев мураккаб вазиятга қарамай, ҳарбий округларда бунёд этилган



госпиталь ва тиббиёт пунктлари нафақат ҳарбий хизматчилар, балки аҳоли учун ҳам хизмат кўрсатишини йўлга қўйиш масаласига эътибор қаратди. Шунингдек, ҳарбий тиббиёт соҳасини янада ривожлантириш учун ўзбекистонлик ҳарбий шифокорларнинг Россия ва Хитойда таълим олаётганлиги айтиб ўтилиб, келажакда Германия, Ҳиндистон ва Жанубий Корея давлатлари билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилиши таъкидланди.

Шунингдек, ўқув йиғинида 2020 йил якунлари бўйича қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда

йўл қўйилган камчиликлар ҳам айтиб ўтилди.

– Таъкидланганидек, барча ҳарбий округларда тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш мақсадида мобил хизмат кўрсатиш техникаси билан таъминланди.

Онлайн видеоконференц-алоқа ўқув-йиғинида тиббиётнинг кўплаб тармоқлари бўйича долзарб мавзулар кўриб чиқилди.

Фазлиддин ЧОРИЕВ,
ЎзЖОКУ ҳарбий
журналистика йўналиши
1-босқич талабаси

ЖАСОРАТ ЛАВҲАЛАРИ

Гитлерчи фашистларга қарши олиб борилаётган Иккинчи жаҳон урушининг бурилиш палласи. Абдусаттор учувчилар ҳарбий авиация мактабини тамомлаб, 1944 йилнинг бошида фронтга йўл олди. Ёш, қони қайноқ учувчи йигит учун бу назарий билимларнинг ҳақиқий синон майдони эди.

Жон-жаҳди билан ҳаракат қилаётган бешафқат босқинчилар бор имкониятини ишга солган. Жангчиларимиз ҳар лаҳзада душман билан қонли тўқнашувлар олиб бориб, мислсиз қаҳрамонликлар кўрсатмоқда.

Армия қўмондони Вершининнинг штаби. Қўмондон қорачадан келган, қоматини тик тутиб турган ёш офицерга синчковлик ила назар ташлар экан, буйруғини баён қилди:

– Ўртоқ Эшонқулов, қўмондонлик сизга муҳим жанговар топшириқ юклайди. Неман дарёсининг чап қирғоғи тарафидаги ўрмонда гитлерчиларнинг танк ва бронемашиналари тўпланган. Душман бу техника ёрдамида дарёнинг нариги қирғоғида ўрнашган ҳарбий қисмдаги жангчиларимиздан ўч олмоқчи. Сизнинг вазифангиз фашистлар лагерини разведка қилиб, бомбардимон этишдан иборат. Вазифа тушунарлими?

– Худди шундай, ўртоқ қўмондон!

Само жангларидо фаол иштирок этиб келаётган Абдусаттор учун бу навбатдаги топшириқлардан бири. Қўмондонлик ишончини оқлаган ўзбек лочини бу топшириқни ҳам, албатта, муваффақият ила адо этади. У ака-укадек бўлиб қолган яқин дўсти лейтенант Виктор Николаев билан бирга парвоз қилди.

Ҳаммаёқни туман қоплаган, атрофни кўриш қийин. Мақсадга эришиш учун керакли нуқтага етганда самолётни пастлатиш зарур. Икки шаввоз шундай қилди ва синчков кўзлари билан душманнинг ниқобланган танкларини бирпасда аниқлашди. Ана, душман танклари белгиланган ерга тўпланиб, ҳаракат қилишга шайланмоқда. Абдусаттор колонналар бўйлаб уча бошлади. Фурсат ўтмай, душман техникаси устига бомбалар куюндай ёғилди. У иккинчи марта учиб ўтаётганида танк люкларининг оғзи

очилиб, ундан ташқарига ўзини отаётган фашистларни кўрди. Улар саросимада қаерга беркинишни билмасди. Абдусаттор вақтни бой бермай, пулемётини «сайратиб» юборди. Икки лочиннинг хужуми қутилмаган ва баҳодирона эдики, фашистлар зенит қуролларини ҳам ишга солмадилар. Мажақланган танклар, кули кўкка совурилган жанговар машиналар, сон-саноқсиз жасадлар...

Абдусатторни кунда, кун ора жасоратли парвозлар кутарди. Партизанларнинг хабарига кўра, Орша шаҳри яқинидаги қишлоққа жойлашган фашистлар комендатура биносидо жангларда қатнашган босқинчиларга мукофотлар топширилиши кутилмоқда.

– Фашистларни биз ҳам «табриклашимиз» керак, – истехзоли кўлди подполковник учувчиларга юзланиб. – Муҳим топшириқни бажаргани ким боради?

– Мен бораман, – бир қадам олдинга чиқди Абдусаттор.

Само лочини бу вазифани моҳирона уддалаб қайтди. Партизанларнинг маълумотига кўра, бомбалар ёғдирилган бино харобалари остидан фашистлар «мукофотланган» 87 аскар ва битта генералнинг мурдасини зўрға қазиб олибди...

Абдусаттор бошқарган самолёт баъзида аэродромга илма-тешик ҳолда кўнарди. Бу ўлим билан юзма-юз дегани. Бир ҳаво жангида у бошқарган самолёт тўққиз жойидан тешилди. Абдусаттор самолётни аэродром томон учиради, двигател базўр ишларди. Бунинг устига душман тўпчилари замбараклардан ота бошлади. Бу ҳам етмагандек, осмонда фашистларнинг «Мессершмит» деган икки самолёти пайдо бўлди. Фашист «калхатлари» «Ил»ни думидан уриб туширмоқчи бўлишди. Нима қилиш керак? Талафот кўрган самолётда манёвр қилиш мумкин эмас. Шунда у ўқчи-радиост Азаматовга буюрди:

– Сен фашист «Мессер»ларининг винтларига, бакларига шикаст етказишга ҳаракат қил!

– Есть!

Азаматов душман энг юқори кўтарилганда кетма-кет, тўхтамасдан ўқ уза бошлади. Душман «калхатлари» кўкда қора тутун қолдириб, ерга қулади...



САМО ЛОЧИНИ

(ВОКЕИЙ ХИКОЯ)

Эшонқулов гуруҳига бу гал Грауденц шаҳрида қуршаб олинган душман қўшинини тугатаётган генерал Собир Раҳимов кучларига мадад бериш вазифаси юкланди. Йигит ҳаяжонда. Она халқининг асл фарзанди, ўз ҳамшаҳари билан бирга ҳаракат қилиш унинг учун катта бахт.

Буйруқ сигналдан сўнг лочинлар самога кўтарилди. Мўлжалга яқинлашганда, Эшонқулов генерал Раҳимов штаби билан алоқа боғлади. Мана, манзилга етидилар. Бироқ шаҳар тепаси қалин туман ва куюқ тутун ичида. Ҳеч нарсани илғаб бўлмайди. Фақат битта йўли бор: пастга шўнғиш ва ердан эллик-олтмиш метр баландликда душман қўшинига хужум қилиш. Ерда эса босқинчиларнинг зенит тўплари, ҳатто танклар ҳам самолётга қарши отишга мослаб қўйилган. Абдусаттор алоқа орқали буйруқ бера бошлади:

– Фолин, Фолин! Мендан узоқлашма! Аввал мен хужум қиламан, орқамдан сен, кейин Бекбоев... Эшитдингми? Мен кетдим...

Ерга шўнғиган Абдусаттор шундай тез ҳаракат қилдики, фашист зенитчилари ҳатто мўлжалга ололмади қолди.

Моҳир учувчи ташлаган бомбалар овози генерал Раҳимов тўплари наърасига кўшилиб кетди. Генерал гвардиячилари билан икки кун бирга ҳаракат қилиб, топшириқни аъло даражада бажарган Эшонқулов гуруҳи Раҳимов жангчилари тепасида пайдо бўлди. Генерал ўз алоқачисига:

– Эшонқуловга менинг ташаккуримни етказинг! – деб буюрди.

Буни эшитган Абдусаттор пастлаб учиб, самолёт қанотларини икки томонга лапанглатиб, хурсанд бўлганини билдирди. Икки ўзбек баҳодирининг ҳам ерда, ҳам кўкда кўрсатган жасорати фронт бўйлаб тиллардан тилларга кўчди. Олий Бош Қўмондонлик ҳар иккисига ташаккур билдирди...

Юздан зиёд жанговар училар, матонат ва қаҳрамонликлар... Ажал комидан неча бор омон чиққан моҳир учувчининг фидойилиги улғу эътироф топди – 1945 йилда само лочини катта лейтенант Абдусаттор Эшонқуловга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Vatanparvar»

КЎРГАЗМАЛИ МАШҒУЛОТ

«НУКУС» ТЕМИР ЙЎЛ БЕКАТИДА

«Нукус» полигонидо шаҳар темир йўл бекати, шоҳобчаси ва аэропорти ҳарбий ҳаракатлар таркибий бўлими томонидан гарнизонда жойлашган ҳарбий қисм шахсий таркиби учун ҳарбий техника ва юкларни темир йўл ҳаракатчан таркиби, яъни вагонларга юклаш-тушириш, уларни платформага маҳкамлаш бўйича амалий-кўргазмали машғулот бўлиб ўтди.

Унда Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари полковник Одил Шоимов иштирок этди.

Машғулотда ҳарбий техника ва юкларни ташиш жараёнида тайинланадиган қоровул шахсий таркибининг мажбуриятлари, турли хил вазиятлардаги ҳаракатлари ва алоҳида хизмат ўташнинг бошқа аҳамиятли жиҳатлари намуна сифатида кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, тадбирларда «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти Нукус бекати юкларни хужжатлаштириш бўлими масъуллари иштирок этиб, йўл хужжатларини тўлдириш ҳамда темир йўл станцияларида тўхташ тартиби ҳақида маълумот беришди.

Кўргазмали тарзда ўтказилган машғулот доирасида зирҳли ва автомобиль техникаларни платформалар орқали вагонларга юклаш-тушириш, улар-

нинг силжиб кетишининг олдини олиш мақсадида белгиланган тартибда маҳкамлаш механизмларини қотириш, техникаларни ташишда ниқоблаш ишларини ташкил этиш каби масалалар намойиш этилди.

Таъкидлаш жоизки, соҳада олиб борилаётган ислохотлар самараси ўлароқ, эндиликда техника ва юкларни темир йўл платформаларига маҳкамлаш учун олдингидек бир маротаба ишлатиладиган пўлат симлардан эмас, балки бир неча йиллар хизмат қилишга тайёр бўлган ва ишлатишда анчагина қулай қотириш механизмлари қўлланилмоқда.

Машғулотда барча тоифадаги ҳарбий хизматчилар темир йўл орқали техника ва шахсий таркибни ташиш, қўшинларни бир жойдан иккинчи жойга тезкор кўчиришнинг мақсад ва вазифалари билан батафсил танишди.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати



ПАМЯТЬ



Февраль 2018 года... Прошли официальные события по случаю знаменательной даты – дня рождения государственного деятеля, философа и литератора Алишера Навои, в которых неизменно принимал участие уже какой десяток лет Azizxon Pulatovich Kaumov – академик Академии наук Узбекистана, известный ученый навоивед, снискавший всемирное признание, уважение среди коллег, кто десятки лет, как и он, служили изучению творений бессмертного автора. Было сказано много слов о жизни и деятельности Алишера Навои теми, кто посвятил свою жизнь изучению и не сожалеет об этом и по сей день. Среди тех, кто постоянно присутствовал на всех мероприятиях, посвященных великому сыну нашего народа, был и Azizxon Kaumov.

По его просьбе через два дня, и это была моя последняя встреча с Azizxon akoi, я пришла в его предельно скромный дом, в комнатах которого книг, рукописей было больше, чем чего – либо другого, окна рабочего кабинета выходили на улицу, что в махалле Ташкента, в минуты отдыха он открывал окно, приветствовал соседей, и гостей того или иного двора...

Так было и на этот раз: февраль 2018 года, ничто не предвещало тревоги; я постучала в окно Azizxon aki. Распахнув ставни, с очаровательной улыбкой, от которой всем, кто его знал, становилось тепло и радостно на душе, он озорно произнес: «Без книги не влущу, я ее жду почти два года!» – увидев ее, попросил домочадцев открыть ворота. Я вошла в священный дом, где в самом воздухе царил наука, где на протяжении более полувека

ЖИЛ ВО ИМЯ ЛЮДЕЙ, НАУКИ...

из – под пера хозяина вышли, обошедшие весь мир, сотни, тысячи страниц монографий, книг, статей об Алишере Навои.

Azizxon aka был настроен на долгий разговор, ибо 9 февраля 2018 года у памятника поэту (открыт в 1948 г., скульптор М. Дитрих), что возле Государственного музея литературы имени Алишера Навои (открытый в 1968 году), он дал мне задание, которое я успела за три дня частично выполнить, остальное решили проработать вместе.

Он стал перелистывать долгожданную книгу – юбилейный каталог, в основе которого списки произведений Навои XVII–XIX веков, хранящиеся в разных российских государственных коллекциях, подготовленный Библиотекой иностранной литературы и Обществом дружбы и сотрудничества России с Узбекистаном и посвященный 575-летию Алишера Навои.

«Здесь же можно найти подстрочные переводы газелей Навои, выполненные востоковедом-тюркологом Николаем Лебедевым. Эти переводы были изданы лишь однажды тиражом всего 50 экземпляров – к 500-летию юбилею Навои, – Azizxon aka подолгу задерживался на каждой странице, комментируя их. – В основе альбома списки произведений нашего великого узбекского поэта, хранящиеся в разных государственных коллекциях Москвы, которые, к сожалению, до сих пор не были известны не только почитателям творчества поэта, но и специалистам. Теперь наш, я говорю так, потому что есть и мое участие, юбилейный каталог «Рукописи и литографированные издания произведений Алишера Навои в московских собраниях» делает эту частичку исторического наследия моего узбекского народа известной не только в Москве, России, но и у нас в Узбекистане. Московские рукописи содержат любопытные данные о переплетчиках, переписчиках и владельцах. Так, в двух рукописях встретились записи о ценах. Каллиграфически переписанный диван Навои стоил в 1892 году в Самарканде 10 рублей сере-

бром, а житель Яркенда (Синьцзян, Китай) купил диван за 25 рублей. Интересны и литографированные издания произведений Навои, выпущенные во второй половине XIX и начале XX века типографиями Ташкента и Коканда».

После минутной паузы продолжил: «В 1441 году в Герате, столице Хорасанского государства, родился мальчик, получивший звучное имя Алишер. Семья его отца Гиясиддина Баходира была близка семейству правителей династии Темуридов. Как сейчас помню, во время чтений, посвященных 525-летию со дня рождения Навои, из зала высокого собрания мне задали такой вопрос: «Но кто же она – та счастливая мать, родившая такого сына, как Алишер Навои?» И хоть этот вопрос прозвучал еще в 1966 году, я по сей день не могу найти на него ответ. Вот что он писал в своих бейтах о родителях, – Azizxon aka прикрыл глаза, – «Отам шу остоннинг хорбези, онам ҳам шу сароб бўстон негизи». Нельзя говорить о Навои, не отдав дань уважения и его наставнику Абдурахману Джамии, который в Гератской литературной среде был самым выдающимся персоязычным поэтом, духовным лидером и ведущим ученым, – он остановился на тексте предисловия, творение его пера с содружеством с профессором Динарой Азимовой. – Им посчастливилось стать близкими друзьями, единомышленниками, вдохновляющими друг друга на создание новых литературных творений. Султан Хусейн Байкара, друг поэта с раннего детства, заняв трон в Хорасане, обратился к поэтам с призывом писать свои произведения на родном тюркском языке. Одни не хотели, другие не могли, и только Навои ответил на призыв своего султана. Все свои эпические произведения Навои писал на староузбекском языке, раньше никто на это не отваживался. Но самое загадочное в том, что и после него, а ведь прошло с тех пор уже более пяти веков, никто не смог повторить этот творческий подвиг. Вот почему мы называем Алишера Навои родоначальником

узбекского литературного языка, основоположником узбекской литературы, который своими творениями показал миру красоту, поэтичность, благозвучие родного языка, поднял его уровень, мечтал о создании крупных эпических произведений на родном языке. Да будет прославлено имя великого поэта в сердцах людей, озаряя их светом любви и счастья!» – и Azizxon Pulatovich закрыл книгу, подошел к окну и посмотрел на утреннее солнце...

Он долго молчал, о чем-то думал, затем, повернувшись, улыбаясь лучезарною улыбкой, сказал как отрезал: «Продолжим наш разговор через неделю, я серьезно поразмышляю над твоими ответами на данное мной задание».

Я поняла, что пришло время покинуть дом ученого, наступила время творческой тишины, куда никого не пускают...

Больше мы с Azizxon Kaumovым не встречались, остались воспоминания лишь в сотнях и последних, за неделю до его ухода в бессмертие, фотокадрах, видео и аудио-записях, которые прослушиваю, просматриваю и размышляю: сколько же жизней прожил этот великий ученый, который, как и Алишер Навои, отдал Родине и народу всего себя без остатка.

17 февраля 2018 г. ушел в вечность Azizxon aka Pulatovich Kaumov – академик, ученый навоивед, учитель, педагог, просто легендарный ЧЕЛОВЕК. Ушел он быстро... Жил во имя людей, науки и... Алишера Навои!

Часто вспоминаются строки «... Вечен ТОТ, чье помнись будут имя Алишера Навои и русского поэта Николая Некрасова «...Какой светильник разума угас, какое сердце биться перестало...»

Вечная память Azizxonу Пулатовичу Каюмову ото всех живущих на земле, кто хоть раз встречался, говорил с ним, читал его бесценные авторские материалы. Да будет так!

Флора ФАХРУДИНОВА

ДАВРА СУҲБАТИ

«ОИЛАДАН БОШЛАНАР ВАТАН»

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўмондонлиги ва Нукус шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси билан ҳамкорликда шаҳардаги «Бақшылик» маҳалла фуқаролар йиғинида «Оиладан бошланар Ватан» номли давра суҳбати ташкиллаштирилди. Тадбирга маҳаллада истиқомат қилувчи хотин-қизлар жалб этилди.

Унда сўзга чиққанлар аёлнинг оиладаги ўрни, фарзанд тарбиясидаги роли, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки ҳамда ҳуқуқ ва манфаатлари хусусида ба-тафсил фикр юритдилар.

– Ушбу давра суҳбати аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш билан бирга, зиммасидаги масъулиятни оширишга хизмат қилади, – дейди Нукус шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси хотин-қизлар катта инспектори майор Сапаргул Сейилхонова. – Бу эса оила мустақамлиги ва фарзанд тарбиясида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бугунги тадбир шу жиҳати билан қимматлидир.

Гулбаҳор ҲАБИБУЛЛАЕВА,
Қуролли Кучлар хизматчиси

СЕМИНАР

«ОБОД ВА ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА» ДАСТУРИ АМАЛДА

Мудофаа ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамкорлигида «Обод ва хавфсиз маҳалла» фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш йўналиши ходимлари учун онлайн ўқув семинари ташкил этилди.



Уч кун давом этган семинарда эртанимиз эгаларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг асосий йўналишлари ва босқичлари, деструктив таъсирга тушган ёшларни соғлом ҳаётга қайтариш, бу йўлда давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлик механизмларини мустақамлаш бўйича профилактик тадбирлар ташкил этилиб, жойларда фаол мулоқотлар олиб борилади.

Феруза ЭРНАЗАРОВА,
ўқитувчи

РАҚИБЛАРДА ҲАЙИҚИШ

Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази вакили, WBO Интер-Континентал камари соҳиби Бектемир Мелиқўзиев ўзининг навбатдаги жангини 13 февраль кuni ўтказадиган бўлди.



Хаваскор бокс бўйича қитъа чемпиони, жаҳон чемпиони, Олимпиада ва Осиё ўйинлари совриндори Бектемир Мелиқўзиев профессионал рингдаги ўз фаолиятини катта шов-шув билан бошлаганди. У илк жангини 2019 йилнинг июнь ойида АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳрида ташкил этилган бокс оқшомида «супер ўрта вазн тоифаси профессионали» аргентиналик Мартин Фидел Риосга қарши ўтказган ва биринчи раунддаёқ кучли зарбалар билан номдор рақибини ерга қулатганди. Ҳайратга тушган мухлислар бирпас жим қолишди. Чунки Риос анча вақт ўзига келолмай ўрнидан тура олмади ва рефери соф нокаутни қайд этди. Шундан сўнг айрим бокс мухлислари «Bully, Bully» дея қичқира бошлашди. Бу жаҳон спорт матбуотида ҳам ўз аксини топди – бир қатор спорт нашрлари ҳамюртимиз ғалабасини жанг пайтида мухлислар томонидан эътироф этилган «Bully», яъни «Безори» муваффақияти сифатида ёритди. Ҳа, хаваскор боксчимиз профессионал рингдаги ўзининг илк жангидаёқ «профессионаллар профессионали»ни мағлуб этгани боис «Bully» лақабини олганди.

Бу воқеликка бир ярим йилдан ошди ва ортда қолган даврда боксчимиз жами 6 та жанг ўтказиб, уларнинг барчасида ғалаба қозонди, 5 тасини эса нокаут билан яқунлади. Эндиликда «Bek Bully»дан супер ўрта вазн тоифасидаги барча боксчилар ҳайиқишмоқда. Хусусан, Бектемирнинг бешинчи рақибни 2020 йил 14 февралда Марко Антонио Перибан бў-

лиши керак эди. Жангга атиги бир кун қолганда рақиб ўзгарди. Маълум бўлишича, «Марко Антонио керакли вазнга тушиш учун ортиқча уришиб юборган ва тарозига чиқишдан олдин ўзини ёмон ҳис қилган ва шифохонага тушиб қолган»... Бектемирнинг менежерлари узок вақтдан буён жангга тайёргарлик кўрилганини ҳисобга олиб, бокс оқшоми ташкилотчиси Оскар де ла Хойя ва Golden Boy промоутерлик компаниясига исталган бошқа рақибни топиб беришларини сўрашган ва мексикалик боксчи Оскар Кортес (27 та ғалаба, 5 та мағлубият, 14 та ютуқ нокаут билан) Бектемирга қарши рингга чиқишга рози бўлган ва бу қароридан кейин афсус чеккан.

«Bek Bully»нинг еттинчи рақибни бўйича ҳам шунга ўхшаш ҳолат юзага келди. Аслида, Мелиқўзиев эртага, яъни 2021 йил 30 январь кuni АҚШда собиқ жаҳон чемпиони россиялик Сергей Ковалёвга қарши рингга кўтарилиши керак эди. Аммо... «Ковалёв VADA текширувидан ўта олмаган ва жанг шу боис бекор қилинган».

Профессионал бокснинг супер ўрта (76,2 кг) вазн тоифасида ўз фаолиятини олиб бораётган Бектемир Мелиқўзиев навбатдаги жангини қачон ўтказиши маълум бўлди. Боксчимиз 13 февралда Калифорния штати, Индио шаҳридаги «Fantasy Springs Resort Casino» аренасида бўлиб ўтадиган бокс оқшомида рингга чиқади. Жанг 10 раундлик этиб белгиланган. Рақиб ким бўлади?.. Ҳозирча аниқ маълумотлар йўқ.

ШОҲСУПА

(хабарлар)



ЮНОН-РУМ КУРАШИ

Хорватия пойтахтида бўлиб ўтган «Gran Prix Zagreb Open – 2021» халқаро турнирида терма жамоамиз аъзолари Жасурбек Ортиқбоев (-55 кг) ва Исламжон Баҳромов (-60 кг) зафар қозонди. Ортиқбоев финал беллашувида германиялик Фабиан Шмитдан 9:0 ҳисобида устун келди. Баҳромов эса олтин медаль тақдир хал қилинган сўнгги беллашувда туркиялик Ахмет Уярга ҳеч бир имконият қолдирмади – 9:0. Шунингдек, ушбу турнирда терма жамоамиз аъзоларидан Илҳомжон Баҳромов кумуш, Феруз Тўхтаев эса бронза медалга сазовор бўлди.



ЭРКИН КУРАШ

Россиянинг Владикавказ шаҳрида ташкил этилган ҳар бир вазннинг энг кучли 8 нафар курашчилари иштирокидаги «Pro League – 2021» турнирида терма жамоамиз аъзоси Ильяс Бекбулатов (-70 кг) муваффақиятли қатнашди. У дастлаб Европа чемпиони Имам Ганишевни 10:0 ҳисобида мағлуб этди. Ярим финалда эса ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Анзор Закуевни 9:3 ҳисобида енгди. Ильяс финалда амалдаги жаҳон чемпиони Давид Баевга қарама-қарши келди. Кескин ва мурасасиз кечган беллашувда ҳамюртимиз 6:4 ҳисобида ғалаба қозонди.



ТОҒ ЧАНҒИСИ

Қирғизистоннинг Орловка шаҳрида Халқаро чанғи спорт турлари федерацияси тақвимидадан ўрин олган мусобақа бўлиб ўтди. Унда қатнашган спортчимиз Комилжон Тўхтаев иккита олтин медални қўлга киритиб, юртимиз спорт шарафини улуғлади. У тоғ чанғисининг гигант-слалом бўйича ҳар икки йўналиши яқунларига кўра ғолиб чиқди.



ОЛИМПИАДА

Миллий олимпия қўмитаси раиси Рустам Шоабдурахмонов навбатдаги брифингда истиқболдаги режалар ҳақида маълумот берди. Хусусан, жорий йил хорижликлар малакасида унумли фойдаланиш ва ўзаро тажриба алмашиш мақсадида юртимизга 13 та давлатдан 17 та спорт тури бўйича 23 нафар профессионал мураббий ва мутахассис таклиф этилади. Ўзбекистон терма жамоалари спортчилари томонидан Токио Олимпия ва Паралимпия ўйинларига «Рио-2016»дан 10 фойизга кўп, яъни жами 110 та лицензия қўлга киритиш режалаштирилмоқда.



ФУТБОЛ

Португалиянинг «Брага» жамоасида ёрдамчи мураббий сифатида ишлаб келган Микаэль Секейра Тошкентнинг «Локомотив» клуби билан 2 йиллик битимга имзо чекди ва бу йилги мавсумдан жамоа бош мураббий сифатида фаолият олиб боради. Мадриднинг «Реал» ва «Атлетико» клубларида малака оширган испаниялик мутахассис Серхио Маринангели эса Муборакнинг «Машъал» жамоаси бош мураббийи этиб тайинланди. «Клуб раҳбариятининг мақсади ўз академияси футболчиларини кучайтириб, уларни жаҳон бозорига олиб чиқиш, биз шу йўлда меҳнат қилмоқдамиз», дея таъкидлади Маринангели журналистлар билан суҳбатда.



ФУТЗАЛ

Ўзбекистон футзал терма жамоаси айни кунларда пойтахтимизда ўқув-машғулот йиғини ўтказмоқда. 4 февралга қадар давом этадиган йиғин мобайнида Баҳодир Аҳмедов бош мураббийлигидаги футзалчиларимиз амалдаги жаҳон чемпиони Аргентина терма жамоасига қарши иккита ўртоқлик ўйини ўтказиши режалаштирилган. Ушбу баҳслар 2-3 февраль кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади. Аргентина футзал терма жамоаси эса 30 январь кuni юртимизга етиб келади.

ЯНГИЧА МАХСУС СОВРИНЛАР

Ўзбекистон футбол ассоциацияси (ЎФА) томонидан ўзбек футболни ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган, жаҳон ареналарида юртимиз доврўғини дунёга таратаётган ҳамда мамлакатимизда футбол оммавийлигини оширишда муҳим ўрин тутган футболчи ва мутахассислар илк бор 5 та номинация бўйича аниқланди ва уларга ЎФАнинг махсус совринлари топширилди.

Авалло шуни таъкидлаш жоиз, янгича номинациялар номланиши билан гўзал ва мазмундор. Жумладан, ўтган мавсумда мухлислар ва мутахассислар эътиборини қозонган, терма жамоаларимиз сафида ишончли ўйин кўрсатган ёш футболчи Иброҳимхалил Йўлдошев «Йил кашфиёти» деб топилди, ва махсус соврин ЎФА биринчи вице-президенти Равшан Эрматов томонидан футболчининг отаси Ҳабибулло Йўлдошевга топширилди. Ушбу номинациянинг футболчилар ёши жиҳатидан акси, яъни «Миллий терма жамоа фахрийси» совринига эса ўзбек футбол афсонаси Геннадий Денисов сазовор бўлди.

Ўйинга мазмун, бахш этадиган ва умуман, футболни мухлислар хоҳлаганидек гўзал-

лаштириб, янада оммалаштирадиганлар марказий ҳимоячилар ҳисобланади. Футбол мухлислари ЎФАнинг бешта йўналиш бўйича совринлари орасида ана шундай марказий номинация мавжудлигига амин бўлишди – барча терма жамоаларимизнинг рамзига айланган футболчи Одил Аҳмедов мардонавор ҳаракати ва фидойилиги учун «Миллий терма жамоа юраги» соврини билан тақдирланди.

Тақдирлаш маросимида Жиззах вилояти ҳокими, ви-

лоят футбол ассоциацияси президенти Эргаш Салиевнинг меҳнатлари ҳам эътироф этилди. ЎФА президенти Абдусалом Азизов томонидан Эргаш Салиевга «Ўзбек футболни ривожига қўшаётган ҳиссаси учун» соврини топширилди.

Асосий номинация – «Ўзбек футболнинг ёрқин юлдузи» совринига бугунги кунда Италиянинг «Женоа» клуби сафида юқори даражали ўйин кўрсатиб, ўзбек футболни жаҳонга танитаётган Элдор Шомуродов лойиқ деб топилди. Соврин футболчининг отаси Азамат Шомуродовга топширилди.



ТАНЛОВ

ТҶМАРИС ИЗДОШЛАРИ

Қашқадарё вилояти Маданият ва аҳоли дам олиш марказида вилоят йўналишидаги ҳарбий қисм ва муассасаларда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчи хотин-қизлар ўртасида «Тўмарис издошлари» кўрик-танлови ўтказилди.

Кўрик-танловда Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси ходими майор Зарина Кенжаева, вилоят божхона бошқармаси ходими катта лейтенант Чарос Иминова, Ўзбекистон олий ҳарбий авиация билим юрти сержанти Ёркиной Муродова, капитан Малоҳат Жўраева, контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Наргиза Рашидова 4 та шарт бўйича беллашдилар.

Танловни Ўзбекистон Республикаси Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари Касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши раиси Муножат Норова, Қарши шаҳар Аёллар реабилитация ва мослашув маркази раҳбари Муқаддас Бердиева, округ тарбиявий ва мафкуравий ишлар бошқармаси вакиллари, Қарши ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси адлия капитани Рустамжон Собиров, вилоят Ёшлар агентлиги ҳарбий



хизматчилар билан ишлаш бўлими бошлиғи майор Иқбол Абдуҳолиқов баҳолаб боришди.

Якуний натижаларга кўра, 1-ўринни майор З. Кенжаева қўлга киритди. Ғолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари ҳамда ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлигининг фахрий ёрликлари тантанали равишда топширилди.

Тамара МАМАНОВА,
Қуролли Кучлар хизматчиси

ФОРУМ

Қарши шаҳридаги Ёшлар марказида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қашқадарё вилоятидаги ҳарбий қисм ва муассасалардаги ёшлар етакчиларининг III Форуми бўлиб ўтди.

МАҚСАДЛИ ТАКЛИФЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Унда Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ ва Ўзбекистон олий ҳарбий авиация билим юрти ҳарбий хизматчилари, Ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши вакиллари ҳамда ўқувчи ёшлар иштирок этди.

Ёшларнинг Ватанга муҳаббати ва садоқатини кучайтириш, уларда Қуролли Кучларимизга бўлган ишонччи янада орттириш, жамиятнинг турли тармоқлари, айниқса, ҳарбий соҳа билан алоқадор бўлган давлат хизмати турларида фаоллик кўрсатиш, ўз юрти ва халқи тақдири учун юксак масъулият ва жавобгарлик каби муҳим хусусиятларни шакллантириш мақсадида ўтказилган форумда етакчиларнинг йиллик ҳисоботлари тингланди ҳамда келгусида ҳамкорликда олиб бориладиган ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида таклифлари қабул қилинди.

Форумнинг бадий қисмида 2020 йил давомида ҳарбий қисм ва муассасалардаги бошланғич ташкилот самарадорлигини оширишга ҳисса қўшиб келаётган ҳарбий қисмдаги бошланғич ташкилот етакчилари



ри «Йилнинг энг фаол бошланғич ташкилот етакчиси», «Йилнинг энг илғор маданий-маърифий ва ҳуқуқий тарғибот, ижтимоий-иқтисодий, оммавий спорт ва саломатлик ва «Устоз-шогирд» анъанаси йўналишлари координатори» ҳамда «Йилнинг намунали бошланғич ташкилот хонаси» номинацияларида тақдирландилар.

Форум давомида ёшлар учун концерт дастури ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг кўргазмалари чиқишлари намойиш этилди.

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ матбуот хизмати

СУҲБАТ

ИСЛОҲОТЛАР УЧУН МУҲИМ ҚАДАМ

Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлигида давлатимиз раҳбарининг Ёшлар форумидаги иштироки, Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси ва Хавфсизлик Кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида белгиланган вазифалари юзасидан тадбир ўтказилди.



Унда Республика Маънавият ва маърифат маркази эксперти, юридик фанлари доктори, профессор Феруза Муҳиддинова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар Парламенти вакиллари қўмита раиси ўринбосари Отабекхўжа Собитов иштирок этди. Қўшинлар қўмондонини полковник Журъат Якубов давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномаси ҳар соҳада, хусусан, Қуролли Кучларимизда ҳам келгусида амалга ошириладиган янгиланишлар ва ислохотлар учун муҳим қадам эканини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, тадбирда сўз олганлар бугун ҳарбий хизматчиларга қаратилаётган юксак эътибор, яратилаётган қулайлик ва шарт-шароитлар, берилаётган имтиёзлардан руҳланиб, юрт ҳимоячилари

ҳам ўз олдига кўплаб вазифаларни, улкан мақсадларни белгилаб олиши зарурлигини айтиб ўтдилар.

Албатта, юртбошимиз томонидан баён қилинган режалар, лойиҳалар, белгиланган топшириқ ва вазифалар мамлакатимиз тараққиётини, халқимиз фаровонлигини, юртимиз тинчлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш ишларини янада янги, юқори босқичга кўтаришга хизмат қилиб, барчамизни юксак марралар сари чорлаши, шубҳасиз.

Тадбир давомида мавзуга оид фильм намойиш этилди.

Капитан Фарида БОБОЖОНОВА,
Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги матбуот хизмати бошлиғи

БЕШ ТАШАББУС ИЖРОСИ

Ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг ижтимоий ҳимояси ва бандлигини таъминлаш, муаммоларини ўрганиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

МУАММОЛАРГА ҲАМКОРЛИКДА ЕЧИМ ИЗЛАНДИ



Шу каби масалаларни аҳоли мақсадида Самарқанд шаҳрида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Кичик мутахассисларни тайёрлаш марказида «Давлат ва жамиятда аёлларнинг ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш ислохотларимизнинг энг устувор йўналишидир» мавзусида очиқ мулоқот бўлиб ўтди.

Унда Самарқанд вилояти ҳарбий прокурори адлия полковниги О. Ўсаров, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Э. Рўзиев, вилоят хотин-қизлар тадбиркорлик маркази бош мутахассиси Ф. Батирова, вилоят маҳалла ва оилаларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси етакчи мутахассиси С. Раҳмонбердиева, халқ

таълими бошқармаси бош мутахассиси Н. Ибрагимов, мактабгача таълим ташкилоти вакиллари ва Қуролли Кучлар ишчи хизматчилари иштирок этди.

Тадбирда ҳарбий хизматчилар фарзандларини мактабгача таълим ташкилоти ва умумтаълим мактабларига жойлашиши, ногиронлиги бор болаларнинг уйда таълим олишига ва етарли даражада ўқув қуроллари билан таъминланишига оид муаммолар ўз ечимини топди.

Шунингдек, тадбирда вақтинча ишсиз ва ўқув курсларида ўқишга иштиёқманд хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, касб-ҳунарга ўргатиш мақсадида бир гуруҳ аёлларни Самарқанд вилояти хотин-қизлар тадбиркорлик марказида таҳсил олишлари учун рўйхатлар шакллантирилди.

Ҳамкорликда ўтказилган ушбу тадбирда шу каби муаммоли масалаларга тегишли соҳа мутахассислари билан бирга ечим топилди.

Контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Хайрулло ЎЛМАСОВ,
марказ пресс-атташеси

ҲАРБИЙ ТЕХНИКА

МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН

ВАРИАНТ



Кемаларга қарши кураш олиб бориш учун мўлжалланган UH-15B типдаги вертолёт Европанинг «Еврокоптер» консорциуми томонидан ишлаб чиқарилган H-225M русумли жанговар таъминот вертолётининг модификацияланган варианты ҳисобланади. Бу машинага сув устидаги нишонларни излашга мўлжалланган APS-143 «Оушен Ай» типдаги радиолокация станцияси, ўт очишни бошқариш тизими, AM-39 «Эксосет» типдаги иккита авиацион ракета (старт оғирлиги 660 кг, осколка-фугасли жанговар қисм оғирлиги 150 кг, максимал отиш узоқлиги 70 км) учун илгичлар ўрнатилган. Машинанинг олд томонидаги пилотлар кабинаси остида лазерли масофа ўлчагичга эга бўлган кўчма ИҚ-станция жойлаштирилган.

Вертолёт экипажи уч кишидан иборат (икки нафар учувчи ва курул оператори). Кучланиш қурилмаси таркибига «Турбомека» компаниясининг «Макила-2А» типдаги такомиллаштирилган газ-турбина двигатели (2 та) қиради. Машинанинг ҳаракатланиш радиусини янада ошириш учун ҳавода ёқилги қуйиш имконияти

ҳам кўзда тутилган. UH-15B нинг максимал кўтарилиш оғирлиги 11 200 кг (бўш ҳолатда – 5 555 кг), максимал учиш тезлиги соатига 275 км, амалий кўтарилиш баландлиги 5 796 м, узунлиги 19,5 м, эни 3,96 м, баландлиги 4,6 м, беш парракли кўтарувчи винт диаметри 16,2 м, тўрт парракли руль винти диаметри 3,15 м.

МНОГОФУНКЦИОНАЛЬНАЯ

МАШИНА

Безусловно, одним из основных направлений развития сухопутных войск считается дальнейшее совершенствование и внедрение робототехнических комплексов.

В зависимости от состава и назначения сменного оборудования такую технику планируется использовать для обезвреживания боеприпасов и взрывоопасных предметов, ведения наблюдения за местностью, обследования подземных сооружений, инженерной и РХБ-разведки и т.д. Одним из новейших разработок в этом направлении является дистанционно-управляемая машина «Сенто», созданная специалистами компании «Эндевор роботикс». Базовое гусеничное шасси (масса 74 кг) этой машины оснащено электродвигателем и обеспечивает размещение до 70 кг навесного оборудования.



Аккумуляторные батареи рассчитаны на 8 часов автономной работы без подзарядки. По заявлениям разработчиков, «Сенто» может преодолевать вертикальные препятствия высотой до 0,3 м. Максимальная скорость движения на ровной поверхности составляет 6,5 км/ч. Время приведения в готовность к применению 5 минут. В стандартный вариант комплектации входят двухканальная оптико-электронная система и поворотный манипулятор, на котором закреплены телевизионные камеры и механический захват. Дистанционное управление машиной осуществляется по радиоканалу или по волоконно-оптической линии связи.

ЙЎЛОВЧИЛАР САМОЛЁТИ

АСОСИДА



Финляндия Ҳарбий ҳаво кучларига қаршли жанговар техника таркибидан жой олган PC-12NG (бошқача номланиши PC-12/47E) типдаги кўп мақсадли енгил самолёт швейцариялик мутахассислар томонидан яратилган PC-12 «Пилатус» русумли йўловчилар самолёти асосида ишлаб чиқилган.

Машинанинг асосий техник-тактик тавсифлари қуйидагича: экипаж 1-2 киши, йўловчилар сифими – 8 киши, узунлиги 14,4 метр, баландлиги 4,26 метр, қанот кўлами 16,3 метр, максимал кўтарилиш оғирлиги 4 760 кг, максимал учиш тезлиги соатига 528 километр, амалий кўтарилиш баландлиги 9 144 метр, максимал юкланма (1 205 кг) билан учиш узоқлиги 1 206 километрни ташкил этади. Машинанинг кучланиш қурилмаси Канаданинг «Пратт-Уитни» фирмаси томонидан

ишлаб чиқарилган, қуввати 1 200 от кучига тенг бўлган PT6A-67P типдаги турбовинтли двигателдан иборат. Мамлакат Ҳарбий ҳаво кучлари тасарруфида бундай типдаги самолётлардан 6 та бўлиб, улар Қуруллик Кучлар қўмондонлик таркибини ташкил қилиш, радиоалоқаларни таъминлаш ва енгил юкларни тегишли жойга етказиш учун мўлжалланган. Шунингдек, бу машиналарни санитар самолёт сифатида қайта жиҳозлаш имконияти ҳам кўзда тутилган.

ИСПЫТАНИЯ
ПРОДОЛЖАЮТСЯ

Военно-морские силы Народно-освободительной армии Китая провели второй испытательный пуск новой твердотопливной баллистической ракеты для подводных лодок JL-3 (Julong-3, «Цзюйлан-3»). Известно, что новая ракета имеет дальность пуска 12-14 тысяч километров, ее боевая часть несет до десяти разделяющихся головных частей индивидуального наведения.

На вооружении китайских атомных подводных лодок с 1980-годов состояла твердотопливная баллистическая ракета JL-1.



Она имела стартовую массу 14,7 тонн, длину 10,4 метра, дальность стрельбы от 1 700 до 2 500 километров и моноблочную боевую часть. В настоящее время китайские подводные лодки второго поколения оснащены баллистическими ракетами JL-2. Данная ракета, имеющая стартовую массу 42-45 тонн, длину 13 метров, дальность полета от 7 400 до 8 000 километров, способна нести либо моноблочную боевую часть, либо три-четыре разделяемые головные части индивидуального наведения. На сегодняшний день в составе Военно-морских сил Китая находятся пять подводных лодок данного проекта, каждая из которых оборудована 12 ракетными шахтами.

Саҳифани П. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

ҲАМКОРЛИККА ТАЙЁР



АҚШнинг янги Президенти Жо Байден Россия билан ҳар қандай муаммоли масалаларни муҳокама қилишга тайёрлигини маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, Қўшма Штатлар Россия билан турли йўналишларда, шу жумладан, стратегик ҳужум қурулларини қисқартириш ва чеклаш борасида ҳам ҳамкорлик қилиши мумкин. Шу мақсадда Байден АҚШнинг турли идораларидан Москва билан боғлиқ мавзулар бўйича барча маълумотларни тақдим этишни сўраган.

ЧЕГАРАДАГИ НОХУШ ҲОДИСА



India Today нашри хабарига кўра, Ҳиндистоннинг Сакки штатидаги чегарада Хитой ва Ҳиндистон ҳарбийлари ўртасида тўқнашув юз берган. Ушбу нохуш ҳодиса хитойлик аскарлар чегарани кесиб ўтишга уриниши сабабли келиб чиққан ва натижада Ҳиндистондан 4 нафар, Хитойдан 20 нафар аскар жароҳат олган. Хитой Мудофаа вазирлиги баёнотида айтилишича, чегара қўшинлари қўмондонлиги даражасида ўтказилган музокараларда ҳар икки давлат ҳарбийларини мазкур ҳудуддан тезроқ олиб кетиш бўйича битим имзоланган.

ФРАНЦИЯ ҚЎШИЛМАЙДИ



Франция ташқи ишлар вазири Жан-Ив Ле Дрианнинг сўзларига кўра, мамлакат ядро қурулини тақиқлаш тўғрисидаги шартномага қўшилмайди. «Франция мазкур шартнома бўйича ўтказилган мунозараларда иштирок этмаган. Яъни мамлакатимиз бу шартноманинг бир қисми эмас ва унга қўшилмайди. Мазкур шартнома биз учун ҳеч қандай юридик мажбуриятларга эга эмас», деди Ле Дриан Миллий мажлис (мамлакат парламентининг қуйи палатаси) депутатларининг саволларига жавоб тариқасида.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

СОҒЛИҚ ГАРОВИ

ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

АВВАЛГИЛАРДАН ШИДДАТЛИРОҚ

2015 йилдан бери Жисмоний тарбия ва спорт, Мудофаа вазирликлари ҳамда Ўзбекистон бадминтон федерацияси ҳамкорлигида ҳар йили 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилган кун муносабати билан куч тузилмалари ўртасида спортнинг бадминтон тури бўйича мусобақа ўтказилиб келинади.

Бу йилги баҳслар аввалгиларга қараганда анча шиддатли ва ҳаяжонли лаҳзаларга бой бўлди. Жами олти жамоа иштирок этган мусобақанинг эркаклар ўртасидаги жуптлик баҳсларида 1- ва 2-ўрин Мудофаа вазирлиги, 3-ўрин эса Давлат хавфсизлик хизмати вакилларига насиб этди. Аёллар ўртасидаги жуптлик баҳсларидаги якуний натижа қуйидагича кўриниш ҳосил қилди:

1-2-ўринлар – Мудофаа вазирлиги;
3-ўрин – Ички ишлар вазирлиги.

Аралаш баҳслар якунида ҳам шохсупада худди шундай кетма-кетлик қайтарилди.

Умумжамоа ҳисобида эса 1-ўрин Мудофаа, 2-ўрин Ички ишлар вазирлиги вакилларига насиб этган бўлса, 3-ўринни Давлат хавфсизлик хизмати ходимлари банд этишди.

Ғолибларга диплом, медаль ва қимматбаҳо совғалар берилди.

И. НУРАЛИЕВ



ДАВРА СУҲБАТИ

АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА

Қуролли Кучлар академиясининг Маданият марказида Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасининг мазмун-моҳиятига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси депутатлари Тўлқин Каримов, Фахриддин Саматов, Таваккал Чориев ҳамда академия курсантлари, малака ошириш факультети тингловчилари иштирок этди.



Сўзга чиққанлар Мурожаатнома моҳияти, «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси фаолияти, жорий йилдаги аниқ мақсад ва вазифалари хусусида тўхталиб ўтишди.

Ўзаро мулоқотларда тингловчиларнинг мавзу юзасидан берилган саволларига маърузачилар томонидан атрафлича жавоб қайтарилди.

Ўз мухбиримиз

Президентимизнинг Олий Мажлисга ва халқимизга йўллаган Мурожаатномаси мамлакатимиз фуқароларининг фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган йўналишларни ва бу борадаги вазифаларни ўзида мужассам этгани билан ҳам барчамиз учун аҳамиятлидир.

МУРОЖААТНОМА – ДАСТУРИЛАМАЛ

Хозирда жойлардаги ҳарбий қисм ва муассасаларда Мурожаатноманинг мазмун-моҳиятини ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига етказиш, ундан келиб чиқадиган вазифалар ижроси доирасида амалий тадбирларни ташкил этиш борасида ҳарбий прокуратура органлари томонидан қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

Фарғона ҳарбий прокуратураси томонидан аёллар муаммоларини ўрганиш ва ижобий ҳал қилиш чораларини кўриш мақсадида вилоят мудофаа ишлари бошқармаси ўқув залида ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан сайёр оммавий ва шахсий қабул ўтказилди.

Бухоро ҳарбий прокуратураси томонидан ҳам ҳарбий шаҳарчалардаги шароит ва ҳарбий оилаларнинг

ҳаётий муаммолари уйма-уй юриш орқали бевосита ўрганилмоқда.

Асосий мақсад – хотин-қизлар муаммоларини тезкор ўрганиш ва қонунчиликда белгиланган тартибда бартараф этиш чораларини кўриш, аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган опа-сингилларимизга, тадбиркор, шунингдек, тадбиркорликни йўлга қўйиш истагидаги аёлларга амалий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатишдан иборат.

Бу каби амалий тадбирлар барча ҳудудий ҳарбий прокуратуралар томонидан изчил амалга оширилмоқда.

**Адлия майори
Алишер ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий
прокурорининг ёрдамчиси**

ОЛОВ – ТИЛСИЗ ЁВ

Ўзбекистон Республикасининг «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуни мамлакатимизда ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

БЕФАРҚЛИК ҲИССИГА ҚАРШИ

Эътиборингизни мазкур ҳужжатнинг 11-моддасига қаратмоқчимиз. Унга кўра, фуқаролар ёнғин келиб чиққан тақдирда ўз соғлиғи ва мол-мулкининг ҳимоя қилиниши, ёнғин туфайли ўзига етказилган зарарнинг ўрни белгиланган тартибда қопланиши, ёнғин хавфсизлиги масалалари бўйича белгиланган тартибда ахборот олиш каби ҳуқуқларга эга. Ҳурматли ҳамюртларимиз ўз мажбуриятларини ҳам билиб қўйгани фойдадан холи бўлмайдди. Ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиши, ёнғиндан сақлаш хизмати мансабдор шахсларининг қонуний талабларини бажариш, ўзига қарашли ишлаб чиқариш, хўжалик биноларини, тураржойларни ва

бошқа бинолар ҳамда иморатларни белгиланган тартибда ёнғин назоратини амалга ошириш мақсадида кўздан кечириши ва текшириши учун ёнғин назорати органларининг мансабдор шахсларига имконият бериш шулар жумласидан.

Тилсиз ёв келтириши мумкин бўлган зарарлар ҳақида кўп гапирилади. Ёнғин оқибатида хазон бўлган умрлар, йўқотилган мол-мулклар... Баъзан «ташриф буюрувчи» бефарқлик ҳиссини шулар ҳақидаги ўйлар билан тарқатиб юборинг.

**Подполковник
Жаҳонгир ЖУМАНАЗАРОВ,
Жиззах гарнизони ёнғин
назорати инспекцияси бошлиғи**

САВДО ҲАЖМИ ОШМОҚДА



Туркменистон ва Эрон ўртасидаги савдо айланмаси ҳажми 2020 йил августидан бошлаб олдинги кўрсаткичларга нисбатан 300 фоизга ошган. Бу ҳақда Эроннинг Ашхободдаги элчиси Ғулом Аббос Халес маълум қилган. Унинг сўзларига кўра, бундай кўрсаткичларга пандемия оқибатида ёпилиб қолган божхона постларининг қайта очилиши сабаб бўлган. Сўнгги ойларда, айниқса, автомобиль ва темир йўл орқали амалга оширилган экспорт ва импорт ҳажми сезиларли даражада ошган.


СОБИҚ БОШ ВАЗИР – ҲИБСДА



Қирғизистоннинг собиқ Бош вазири Мухаммадқалий Абилгазиев ноқонуний бойишда гумон қилиниб, ҳибсга олинди. 24.kg нашри хабар беришича, 26 январда Абилгазиев сўроққа чақиртирилиб, унга ноқонуний бойишда гумон қилиниши ҳақида билдириш хати топширилган. Бундан ташқари, Абилгазиев Кумтор олтин кони билан боғлиқ иш бўйича гумонланувчи сифатида айбланмоқда. Абилгазиев Қирғизистон ҳукуматида 2018 йилдан 2020 йил июнигача раҳбарлик қилган. 2020 йил 15 июнда у ўз ихтиёрига кўра истеъфога чиққан.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

АҚЛИ ХАВФСИЗЛИК ТИЗИМИ



Қозоғистон Ички ишлар вазирлиги ёш болаларни кузатишга мўлжалланган махсус электрон тизимни ишга туширишни режалаштирмоқда. «Мени топ» деб номланган ақли хавфсизлик тизими бола қаердалигини аниқ топиш имконини беради. Bluetooth тармоғида ҳаракатланувчи трекерларни кузатувчи мобиль илова ота-оналарнинг смартфонига, трекерлар эса боланинг кийими ёки портфелига ўрнатилиши мумкин. Шунингдек, бу тизим оператив бошқарув штаби билан ҳам бирлаштирилади.

МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

РЕКЛАМА ҲАҚИДА

МАҚСАДИМИЗ — ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ



Техник мутахассислар ҳамда оммавий касбдаги ходимларни тайёрлаш, ёшлар ўртасида спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш борасида Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Хоразм вилояти кенгаши тасарруфидаги Хива тумани ўқув-спорт техника клуби (ЎСТК) жамоаси ҳам салмоқли натижаларга эришди.

Урганч шаҳридан Хива томон йўлга чиқсангиз, шаҳар марказига яқин жойда ўнг томондаги икки қаватли бинога кўзингиз тушади. Бино пештоқига ўрнатилган ёзувдан бу бино «Ватанпарвар» ташкилотига тегишли эканлиги англашилади. Бу ерда ихчам жойлашган автотурагоҳлар, ўқув биноси ҳамда автодром уйғун бирликни ташкил этган. Айтилган пайтда ташкилотда халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун «В», «ВС», «СЕ»

тоифали ҳайдовчи мутахассислар тайёрланмоқда. Биргина, ўтган 2020 йилда 750 нафар ҳайдовчи тайёрланиб, белгиланган режанинг бажарилишига эришилди.

– Бўлажак ҳайдовчиларни, айтилган ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш услубларининг ранг-баранглиги, ўқитувчилар ҳамда амалий бошқаришни ўргатувчи – усталарнинг билим ва маҳоратларини доимий равишда ошириб бораётганлиги муваффақиятларимиз оми-

ли бўлмоқда, – дейди туман ЎСТК бошлиғи Давронбек Юлдашев. – Айтилган ташкилотда мақсадли дастурлар ижроси бўйича бажарилаётган ишларимиз ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Дарҳақиқат, ушбу даргоҳга қадам ранжида қилган ҳар бир киши ЎСТКда амалга оширилган ижобий натижалар билан танишиши мумкин. Кенг ва шинам синф хоналаридаги турли замонавий жиҳозлар, ҳаракатланувчи стендлар ва бошқа кўргазмалар, ҳаракат хавфсизлиги, автомобиль тузилишига оид плакатлар, компьютерлар жамланмаси, турли русумдаги энгил ва юк автомобиллари ўқув-спорт техника клубининг моддий техник базасини ташкил этади.

Албатта, айтилган пайтда бу ерда маънавий ва маърифий тадбирлар уюштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишига мувофиқ ўтказилган ватанпарварлик

ойлиги давомида «Ким Ватанга содиқ бўлса, мендирман ўша!» деган устувор ғоя асосида турли тадбирлар, учрашув ва давра суҳбатлари ҳамда спорт мусобақалари ташкил этилди. Бундан ташқари, Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Чунки ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепцияси – мамлакатда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий тамойил ва устувор йўналишлари асосида ишлаб чиқилган. Шу боис ҳам ёшларни ватанпарварлик туйғуси билан тарбиялаш «Ватанпарвар» ташкилотларининг ҳам асосий вазифаларидан биридир.

Айтилган пайтда ЎСТКда фаолият кўрсатаётган спортнинг техник ва амалий турларидан – ҳаво милтиғидан ўқ отиш, дуатлон ва триатлон каби секция ва тўғарақларга жалб этилган спортчи ёшлар турли мусобақаларда иштирок этиб, Хива тумани шарафини муносиб ҳимоя қилишмоқда.

Акбар АЛЛАМУРОВОД



BOLAJON



QALAMLAR



SALTANATIDA

Bor ekan-da, yo`q ekan, qadim o`tgan zamonda baland tog`lar ortidagi keng o`rmonda ajoyib bir saltanat bo`lgan ekan. U yerda jonivor emas, juda mehnatkash qalamlar ahil-inoq kun kechirishar ekan. Saltanatda qattiqqo`l Qizil qalam podshoh, Ko`k qalam vazir ekan. Osuda kunlarning birida saroyga qo`llari singan, mayib ahvolda Qora qalam sudralib, zo`rg`a kirib kelibdi:

- O-o, ulug` podshohim, men Bolalar mamlakatidan sizga bir shikoyat bilan keldim. Podshoh uning ahvolini ko`rib:
 - Seni kim bu holga soldi? - deb so`rabdi.
 - Ayrim bolalar bizni qattiq xafa qilishyapti. Ular tishlari bilan qo`l-oyog`imizni sindirishmoqda. Hatto ba`zi qalamlar nobud ham bo`lishdi.

Podshoh bu xabarni eshitib, qattiq darg`azab bo`libdi. Saroy tabibi Oq qalamni chaqirtirib, bemorni davolashni buyuribdi. Saroy vazirlarini yig`ib, bo`lgan voqeani ularga bayon qilibdi.

- Donolar donosi qanday maslahat beradi? - so`rabdi podshoh bilimdon Sariq qalamdan.

- Yashil qalam boshchiligida navkar tuzib, Bolalar dunyosiga yuborish kerak.

- Tartib-intizom noziri bunga nima deydi?

- Sariq qalamning fikriga qo`shilaman,

- so`z boshlabdi uzun bo`yli, baquvvat gavdali Yashil qalam. Bolalar mamlakatiga borib, qalamlarni asrab-

avaylash kerakligini ularga tushuntirishimiz lozim.

- Vazir ham o`z fikrini bildirsin-chi, - debdi podshoh Ko`k qalamga qarab.

- Buyuk olampanohim, siz shunday farmon chiqaringki, bolalar qalamlar bilan do`st bo`lishni, ularni ehtiyotlab ishlatishni, qadriga yetishni o`rganishsin.

Podshoh o`ylay-o`ylay bir qarorga kelibdi va ertasi kuni farmon chiqaribdi. Farmonda: «Kimki qalamini tishlab, unga ozor yetkazsa, barcha qalamlarni saltanatimizga chaqirib olamiz. Natijada bolalar na rasm chizadi, na uni bo`yay oladi. Ular qalamsiz qolishadi», deb yozilgan ekan. Shu-shu, bolajonlar qalamlar bilan samimiy do`stlashibdi.

SH. KARIMOVA

TOPISHMOQLAR

Safda o`n ikki askar,
 Bo`yu basti barobar.
 Yo`nsang yog`och po`stini,
 Rasmlarga rang berar. (qalamlar)

O`rtog`im - ruchka, qalam,
 Bir chiziq, katak - dalam. (daffar)

Oqdir dalasi, qoradir urug`i,
 Qo`l bilan ekiladi, ko`z bilan o`riladi. (daffar va yozuv)


Yozib umrin tugatar,
 Serharakat shu qadar. (ruchka)



Mos shaklni toping va o`z o`rniga qo`ying



		?



Sahifani M. MAHKAMOVA tayyorladi.

МАЪНАВИЯТ СОАТИ



КИТОБ ЎҚИБ, ЎЗ ДУНЁМИЗНИ ЯРАТАМИЗ

Ҳаёт ҳаммамиз учун мактаб. Табиийки ушбу мактабнинг муаллимлари ҳам бор. Оила мактабининг устозлари саналмиш ота-онамиздан кейин кўпчилигимизнинг муаллимимиз китоб эканлигини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?..



Хонадонда чироқ бўлмаслиги мумкин, лекин китоб бўлмаса, бу гўшанинг кундузлари ҳам зимистондир.

Абдулла Қаҳҳор

Кўпчилик одамлар жонсиз деб билган китоб уларга қанчалик саводсиз эканликларини исботлаб бера олади.

Оскар Уайлд

Тарих такрорланиб туради, деган гап бор. Инсоният ибтидоий жамоага қайтиши мумкин. Бунинг илк белгилари ҳозирдан кўриняпти: китоб ўқийдиганлар камайиб борапти.

Ўткир Ҳошимов

Отам ҳар доим шундай дер эди: ҳеч қачон китоб жавонидан телевизор катта бўлган одамларга ишонма.

Эмилия Кларк

Бир қаҳва дамла, бир китоб танла ва ғавғоли дунёнинг овозини ўчир!

Маҳбубий



тутган ўрни ва ёшлар тарбиясидаги аҳамияти ҳақида гапириб ўтдилар. Мактаб ўқувчилари ва муддатли ҳарбий хизмат бурчини ўтаётган аскарлар ўз иқтидорларини бадиий ва шеърый чиқишлар орқали намойиш этишди.

Китобхонлик викторинасида муддатли ҳарбий хизматчилардан иборат икки жамоа «Ўткан кунлар» асари бўйича ўзаро беллашди. Белгиланган вақт давомида «Қалқон» ва «Турон» жамоалари ўзларига берилган саволлардан иборат топшириқни аъло даражада бажардилар. Викторина ҳакамлари икки жамоага ҳам бир хил балл берган ҳолда, китобсевар юрт посбонларини таниқли адибларнинг асарлари билан тақдирладилар. Китобхонлик кечаси якунида Республика Маънавият ва маърифат маркази Янгийўл тумани бўлими раҳбари Саида Ташматова ҳарбий қисм кутубхонасига туман ахборот кутубхона маркази томонидан совға қилинган китобларни топширди.

Мактаб ўқувчилари учун ҳарбий қисм кутубхонаси, маданият хонаси, аскарлар ётоқхонаси, спорт зали ҳамда ошхона бўйлаб экскурсия ташкиллаштирилди. Китобхонлик кечаси ва китобхонлик викторинаси орқали ҳарбий қисм ҳаёти билан яқиндан танишган ёшлар ватанпарварлик ҳиссига бой таассуротларга эга бўлдилар.

Асрор РЎЗИБОЕВ

БИР ЧИМДИМ

Шоҳ учун камбағал-бечораларнинг дуоси, фуқаронинг тинч-омонлиги ва Тангрининг розилиги – жанговар кўшиндир.

Алишер НАВОЙЙ

БИЛАСИЗМИ?

Баъзи давлатларда истаган киши дўконлардан қурол сотиб олиши мумкин. Фақат бир шarti – улар рўйхатга олинадилар. Маълумотларга кўра, Таиланд билан Финляндияда ўқотар қуролдан ташқари яна бир анжом харид қилинганидан кейин рўйхатга олинар экан. У қандай анжом?



Жавоб: Китоб

БИЛАСИЗМИ?

Ер юзида уларнинг сони 6 000 тача деган тахминлар бор. Ҳар йили уларнинг 25-30 таси йўқолиб бормоқда. Шундай экан, у бориб-бориб йўқ бўлиб кетар экан-да, деган хаёлга ҳам бориш мумкин. Лекин Ер юзида ҳаёт бор экан, у йўқолмайди. Гап нима ҳақида борапти?



Жавоб: Тил

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

Ойим қўрбоши ёхуд «Амазонка аёл» ким?

VATANPARVAR

Муассис:



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ

www.mudofaa.uz

Бош муҳаррир:

майор Аҳрор Очилов

Навбатчи:

лейтенант Исломжон Қўчқоров

Саҳифаловчилар:

Нодирабегим Валиева
Дилноза Мелиқўзиева

Мусаҳҳиҳлар:

Сайёра Мелиқўзиева
Мастура Қурбонова

Телефонлар:

котибият: (71) 260-36-50
бухгалтерия: (71) 260-35-20
юримдик бўлим: (71) 269-88-91
факс: (71) 260-32-29

ISSN 2010-5541

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти – «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририятининг компьютер марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Буюртма: г-105.
Ҳажми: 6 босма табоқ.
Бичими: А3.
Адади: 34 606 нусха.
Босишга топшириш вақти: 14:00.
Топширилди: 14:30.

Газета жума куни чиқади. Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Нашр кўрсаткичи: 114.
Баҳоси: келишилган нарҳда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

123456

Манзилимиз: 100164, Тошкент, Университет кўчаси, 1-уй.